**Ахборотни тақдим қилишининг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш** - хозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, саклаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

**Ўқитишнинг методлари ва техникаси.** Маъруза муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзунинг мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

**Ўқитиши воситалари:** ўқитишнинг анъанавий воситалари билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технология воситалари кенг кўламда татбиқ этилади.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга кўйилиши.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

**Бошқарши усуллари ва мартиби:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати тушинилади.

**Мониторинг ва баҳолаши:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг нағижаларини режа асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириклари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади. Баҳоларнинг ҳаққоний бўлишига, ошкоралигига алоҳида эътибор қаратилади.

## **1-мавзу: Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш фанинг предмети ва вазифалари**

**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш фанинг предмети ва вазифалари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

т/р, босқич	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1	<p><b>Тайёрлов босқичи</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларда “Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш” фанинг тадбик қилиш обьекти ва вазифалари ҳақида тушунчалар хосил қилиш.</p> <p><b>1.2. Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p><b>1.2.1.</b> Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишининг зарурлигини изоҳлаб бера олади.</p> <p><b>1.2.2.</b> Микродарражадаги давлат аралашувининг моҳияти ни тушунтира олади.</p> <p><b>1.2.3.</b> Давлатнинг макроиқтисодий вазифалари тушунтира олади.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b> миллий иқтисодиёт, жаҳон бозори, ҳалқ хўжалиги, ҳалқ хўжалиги тузилиши, иқтисодий мустақиллик,истеъмол нархлари индекси, макроиқтисодий кўрсаткичлар.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хиқоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> тарқатма материаллар, китоб билан ишлаш, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотларини ташкил этиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи 20 минут
3	<p><b>Гурухда ишлаш:</b></p> <p><b>3.1.</b> миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш заруриятини тушунтиради.</p> <p><b>3.2.</b> ўзбек моделини тушунтиради.</p> <p><b>3.3.</b> миллий иқтисодиётдаги жараёнларни обьектив баҳолайди.</p> <p><b>3.4.</b> миллий иқтисодиётнинг вазифаларини айтади.</p> <p><b>3.5.</b> бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини тушунтиради.</p>	Ўқитувчи –талаба 40-минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Миллий иқтисодиётни шаклланиш механизмини тушунтириб беринг?</p> <p><b>4.2.</b> Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистон ўз йўли ва ўз моделига эга деганда нимани тушунасиз?</p> <p><b>4.3.</b> Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг?</p> <p><b>4.4.</b> Миллий иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини ўрганиб чиқинг?</p> <p><b>4.5.</b> Ўзбек модели деганда нимани тушунасиз?</p>	Ўқитувчи 10 минут

5	<b>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</b> 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	<b>Ўқитувчи</b> <b>10 минут</b>
---	--	------------------------------------

### **Қўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишининг зарурилиги.
2. Микродаражадаги давлат аралашувининг моҳияти.
3. Давлатнинг макроиктисодий вазифалари.

### **Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:**

Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши, зарурлиги, ташқи омиллар, иқтисодий сиёsat, бозор ҳокимияти, бозор муомаласини ташкил этиш вазифалари, микро ва макро аралашув.

### **Мавзуга оид муаммолар;**

1. Бозор муносабатларига утиш шароитида миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш, зарурият деб ушбу фикр хисобланади ва муносабатингиз кандай?
2. Микро даражадаги иқтисодиётга давлат аралашуви даражасимухум аҳамият касб этади. Бу фикрга муносабатингиз кандай?
3. Бозор – ҳокимият - бозор муносабатларини ташкил этилади. Бу карашга муносабатингиз кандай?

**1-асосий савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишининг моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Иқтисодий сиёsat ва миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши моҳиятини изоҳлаб бера олади.
2. Иқтисодий либерализм, иқтисодий сиёsat, миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши тушунчаларини моҳиятини ёрита олади.
3. Давлатнинг иқтисодий сиёsати ва миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши тушунчаларининг фарқини кўрсата олади.

### **1-асосий савол баёни:**

Барча иқтисодий тизимларда давлат иқтисодиётни бошқаради. Ушбу бошқарув тоталитар тизимга қараганда бозор иқтисодиётида катта бўлмаган масштабларда амалга оширилиди. Шунга қарамай, давлатнинг иқтисодиё роли эркин рақобат тизимига қараганда юксакроқдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши бозор иқтисодиёти шароитида давлат муассасалари, ижтимоий ташкилотлари томонидан амалга оширилиб, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган чора-тадбирлар орқали иқтисодиётни барқарорлашувига олиб қаратилган.

Иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бозор муносабатлари шароитида, хусусий мулк асосида автоматик тарзда ўз учимини топа олмаган.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати тушунчаси иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишига нисбатан кенгдир, чунки биринчиси иқтисодий либерализмга асосланган бўлиб, хўжалик ҳаётига давлатнинг аралашувисиз фаолият юритиши мумкин. Ҳозирги шароитда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга аралашмаслиги мумкин эмас. Давлатнинг иқтисодиётни бошқариш зарурияти, унинг ҳажми, форалари ва интенсивлиги ҳақида кўпгини дискуссиялар мавжуддир. Шунинг учун "давлатнинг иқтисодий сиёсати" ва "иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши" тушунчалари бир хилдир.

Иқтисодий ривожланишнинг, ишлаб чиқаришнинг ва капиталнинг концентрацияси маълум даражага келиши иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишини шаклланиши учун объектив имконият туғдиради. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишининг зарурлиги ўсиб бораётган муаммо ва қийинчиликларни бартараф этиш учун келтириб чиқарилади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш такрор ишлаб чиқариш жараёнининг асосий қисмини ташкил қиласди. У қуйидаги вазифаларни бажаради: иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, бандликни бошқариш, худудий ва регионал таркибдаги силжишларни тартибга солиш, экспортни қўллаб-қувватлаш. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг йўналишлари, формалари, масштаблари аниқ бир даврда ва аниқ бир мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг характери билан белгиланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишининг ривожланган механизми маълум сабабларга кўра /арбий Европанинг баъзи мамлакатларида (Франция, Нидерландия, Скандинавия мамлакатлари, Австрия ва Испания ), Япония, Осиё ва Лотин Америкасининг баъзи тез ривожланаётган мамлакатларда шаклланган. А+Ш, Канада, Австралия мамлакатларида эса иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг камлиги натижасида иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиш механизми кам ривожланган. Шунга қарамай, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш конъюнктуранинг ёмонлашуви шароитида, ишсизлик ва инфляциянинг даражаси юқори бўлганда катта аҳамиятга касб этади.

### **Назорат саволлари:**

- 1.1 Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш фани нима учун олий ўқув юртларида ўқитилмоқда ? Сабабини тушунтиринг.
- 1.2. Нима учун ҳозирги қунда хокимиятни бозор муносабатлари ва иқтисодиётга аралашуви муаммо ҳисобланади?
- 1.3. Миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш фани билан иқтисодий фанлар орасида қандай алоқадорлик бор деб хисоблайсиз ва сабабини изоҳлаб беринг.

**2-асосий бўйича дарс мақсади:** Микродаржадаги давлат аралашувининг моҳияти тўғрисида талабаларда тушунча хосил қилиш.

## **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1. Иқтисодий заарар ва фойдани фарқлаб бера олади.
- 2.2. Ташқи омилларнинг мазмунини изоҳлай олади.
- 2.3. Хусусий ва ижтимоий товарларн фарқлай олади.

### **2-савол баёни.**

Давлат товар солиқлари, ишлаб чиқариш квоталари орқали қисман бозор мувозанатига таъсир кўрсатади. Чекланган ишлаб чиқариш ҳажмини ривожлантириш дастури.

Микроиқтисодий даража давлатнинг аралашуви тўлиқ заарларга олиб келади, баъзи ҳолларда (ишлаб чиқариш квоталари, ўзгармас нархларни қўллаб-куватлаш) заарларнинг ҳажми каттадир.

Заарлар- иқтисодий самарадаорсизликнинг қўриниш формаси бўлиб, уни давлатнинг микроиқтисодий сиёсатини амалга оширганда эътиборга олиш зарурдир.

Бироқ давлатнинг микроиқтисодий сиёсатини активлаштирадиган мотивлар мавжуддир. Бу ҳол бозорнинг қобилиятсизлиги билан боғлиқдир:

1. Ташқи омиллар.
2. Ижтимоий товарларни ишлаб чиқариш.
3. Бозор ҳокимлиги-вақт ўтиши билан рақобат кучсизланади ва монополияларнинг вудужга келишига олиб келади.
4. Тўлиқ бўлмаган ахборот.

Ташқи омилларнинг мавжудлиги. Ташқи омил шуни англатадаки, савдо ёки тижорат операциялари натижасида заарар келиб чиқади. Салбий натижа- атроф муҳитнинг ифлосланиши. Позитив самара- фан соҳасида вужудга келади, яъни бир соҳадаги янгиликларнинг яратилиши бошقا соҳалардаги муаммоларин ҳал қилишга олиб келади. Илмий тадқиқотлар қўлланилган соҳалар салбий натижасида заарларни қоплай олмайдилар ва уларга ҳақ тўланмайди.

Ижтимоий товарларин ишлаб чиқариш. Бозорда истеъмолчилар ўз пуллари билан овоз берадилар. Пулнинг етишмаслиги эса истеъмолни чеклаб қўяди. Камтаъминланганлар учун ҳам товарлар мавжуд-ми? Мавжуд, ҳаттоқи кўп. Иқтисодчилар уларин ижтимоий товарлар деб атайдилар. Масалан, бу-мудофаа.

Ижтимоий товарнинг хусусий товардан фарқи:

1. хусусий товар истеъмол босқичида рақобатчиларга эга. Масалан, квартиralарнинг берилиши ва милиция хизматини таққосланг.
2. Хусусий неъматлар бўлинади ва алоҳида бирликлар кўринишида бўлади. Аммо Амир Темир музейини, /алаба майдонини бўлиб бўлмайди.
3. Бозор ҳақ тўланмайдиганларни истеъмолчилар сафидан четлаштиради. Хусусий товарни истеъмол қилиш учун уни сотиб олиш керак, ижтимоий товарни истеъмол қилиш учун эса уни ишлаб чиқариш керак. Оддий сўз билан айтганда, бозор учун ижтимоий товар ишлаб чиқариш ҳеч қандай манфаатни билдирамайди.

Иқтисодий сиёсат учун хуносалар:

1. Фуқароларнинг ижтимоий товарларни солиқ билан тенг нархда сотиб олишлари давлат бюджетининг солиги ва харажатларин мутаносиблигини кўллаб-куватланишини зарурлигини кўрсатади. (Вексел мезони).

2. Бюджет харажатлари таркиби ижтимоий товарларга бўлган талаб таркибига мос келиши зарур.

3. Ижтимоий товарларнинг таклифи ҳажмини ўзгариши давлат бюджетининг ўзгаришларига мос келиши зарур.

### **Мухокама учун саволлар:**

2.1 Давлатнинг микроиктисодий сиёсатини тушунтириб беринг.

2.2 Хусусий ва ижтимоий товарларни изохлаб, мисоллар асосида тушунтириб беринг.

**3-савол бўйича дарснинг мақсади:** Давлатнинг макроиктисодий вазифаларини моҳияти тўғрисида талабаларда тушунча хосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Кўп секторли иқтисодиётни ривожлантириш заруриятини баён қила олади.
- 1.2. Бозор иқтисодиётини ривожланишига давлатнинг аралашувини объектив чегаралари ва шаклларини изохлай олади.

### **3-савол баёни:**

1. Иқтисодиётни барқарорлаштириш-бу ишсизлик ва инфляция билан курашдир.
2. Даромадларнинг меъёrsиз табақаланишини бартараф этиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.
3. Иқтисодий ривожланишни приоритетларини аниқлашб -иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш; -фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантириш.
4. Технология ва техника соҳаларида стратегик ўзгаришлар, чукур таркибий ўзгаришлар;
5. Миллий ва ҳалқаро даражадаги давлат бошқаруви -бу жаҳон иқтисодиётида миллий манфаатларнинг амалга оширилиши.

Ўтиш иқтисодиёти - кўпукладли иқтисодиётни шакллантириш йўли билан бозор муносаватларинитиклаш.

Давлатнинг эркин бозор иқтисодиётидаги аралашувининг максимал чегаралари бу пул муомаласини ташкил этиш, ижтимоий товарларни етказиб бериш. Агарда давлат бозор белгилаб берган вазифалардан ташқари кўпроқ вазифаларни бажаришга ҳаракат қилса, яъни ишлаб чиқариш ресурсларини тақсимласа, иқтисодиётни имкониятини эътиборга олмасдан юқори ижтимоий ҳимояни кечирса, натижада ҳалқ хўжалигига эски ишлаб чиқариш структураси, паст сифат ва ҳоказолар ташкил этади. Бундан шу келиб чиқади-ки, давлатнинг аралашув вазифаси чекланмаган ҳолатга келиб қолади.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш механизмини аниқ тасаввур этиш учун унинг субъектлари, объектлари, мақсади, воситалари ва

босқичларини билиш зарур. Иқтисодий сиёсат субъектлари, унинг бажарувчилари, хўжалик манфаатларини бажарувчилар.

Бозор тизимида давлатнинг иқтисодий вазифалари қуйидагилар:

1. бозор тизимининг самарали ишлашига кўмаклашадиган, хукуқий асосни ва қулай ижтимоий шароитни яратиб бериш;
2. рақобатни ҳимоялаш;
3. даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;
4. миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурсларнинг тўғри тақсимланишига эришиш;
5. иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий ҳолатларнинг ўзгариши асосида пайдо бўладиган бандлик ва инфляция, бюджет тақчиллигини назорат қилиш, ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

#### **Назорат саволлари:**

- 3.1 Кўп секторли иқтисодиётнимохиятини ёритиш.
- 3.2 Давлатнинг иқтисодий вазифаларини баён килиш.
- 3.3 Ишсизлик ва инфляция даражасини аниклаш.

#### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Миллий иқтисодиётни бошқаришга давлатнинг аралашувини оптималь даражасини амалга ошириш механизmlарини яратиш.
2. Иқтисодиётга микро ва макро даражада давлатнинг аралашувини иқтисодий моҳиятини ишлаб чиқиш.
3. Мамлакатимизда ишсизлик ва инфляция муаммоларини ҳал қилиш.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримонинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлар ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi. “Халқ сўзи” 19 январ 2013 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”. “Халқ сўзи” 2011 йил 7 апрель, № 68 (5235).
3. Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009
6. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Ўзбекистон, 2000.

## 2-мавзу: Давлатнинг иқтисодий функциялари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурияти

### Фанни ўқитиш технологияси:

**“Давлатнинг иқтисодий функциялари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурияти” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

т/р, босқич	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1	<p><b>Тайёрлов босқичи</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларда давлатнинг иқтисодий функциялари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурияти хақида тушунчалар ҳосил қилиш.</p> <p><b>1.2. Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p><b>1.2.1.</b> Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ва вазифалари хақидаги назария ва қарашларни изоҳлаб бера олади.</p> <p><b>1.2.2.</b> Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солищ, унинг мақсади ва вазифаларини тушунтира олади.</p> <p><b>1.2.3.</b> Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситаларини тушунтира олади.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b> давлатнинг функциялари, давлатнинг иқтисодий функциялари, пул-кредит сиёсати, солиқ-бюджет сиёсати, давлат банки .</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> тарқатма материаллар, китоб билан ишлаш, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотларини ташкил этиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи 20 минут
3	<p><b>Гурухда ишлаш:</b></p> <p><b>3.1.</b> Давлатнинг иқтисодий вазифаларини тушунтиради.</p> <p><b>3.2.</b> Давлатни иқтисодиётни тартибга солишдаги ролини ёритади.</p> <p><b>3.3.</b> Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ва вазифалари хақидаги назарияларига нисбатан фикр билдиради.</p> <p><b>3.4.</b> Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усулларини айта олади.</p> <p><b>3.5.</b> Хорижий мамлакатлар тажрибасини мисол қилиб тушунтиради.</p>	Ўқитувчи –талаба 40-минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Миллий иқтисодиёт давлат томонидан бошқариш механизмини тушунтириб беринг?</p> <p><b>4.2.</b> Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатнинг бошқариш усулларидан қайсилари қўлланилган?</p> <p><b>4.3.</b> Ўзбекистонда бошқариш усулларининг ўзига хослиги нимада?</p>	Ўқитувчи 10 минут

	4.4. Ўтиш даврида миллий иқтисодиётни бошқаришда пайдо бўлган муаммоларини ўрганиб чиқинг?	
5	<b>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</b> 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириклари берилади 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласди ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	<b>Ўқитувчи 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

- Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ва вазифалари ҳақидаги назария ва қараашлар.
- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, унинг мақсади ва вазифалари.
- Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари.

### **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Давлатнинг функциялари, давлатнинг иқтисодий функциялари, пул-кредит сиёсати, солик - бюджет сиёсати, давлат банки.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

- Давлатнинг бозро иқтисодиётини тартибга солиш ҳақидаги назарий қараашларга муносабатингизкандай?
- Миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳукуматининг асосий мақсади сифатида. Ушбу фикирга муносабатингиз кандай?
- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, унинг усуллари воситаларига уз қараашларингизкандай?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда давлатнинг иқтисодий функциялари ва уни иқтисодиётга аралашуви зарурлиги тўғрисида тушунчалар хосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- Давлатнинг функцияларини баён қила олади.
- Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви зарурлигини баён қила олади.

### **1-савол баёни:**

Миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги кўп омилли кўрсаткич бўлиб, бунда самарадорликнинг эришилган даражаси кўп жихатдан иқтисодиётдаги давлат ёки бозор тизимининг тутган ролига боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки анча юқори самарадорликка, биринчидан, бозорнинг тартибга солиш усуллари орқали; иккинчидан, иқтисодиётни фақатгина ягона марказдан онгли равишда марказлашган бошқариш йўли билан; учинчидан, иқтисодий жараёнда давлатнинг аралашуви ва бозор механизмларини уйғунлаштириш орқали эришилади. Ҳозирги даврда республикамизнинг миллий иқтисодиёти ривожи учун кўпроқ учинчи йўл хусусиятли хисобланади.

Иқтисодий тафаккур тарихидан биринчи марта давлатнинг иқтисодиётдаги ролини чеклаш ва уни тартиблашда бозор механизмидан фойдаланиш масаласи А.Смит томонидан илмий асосда кўриб чиқилган. Унинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида» (1776 йил) деган китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибга солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод

бўлиши зарур. Ана шундагина ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконига эга бўлади. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралашишларсиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун харакат қилишга мажбур қиласди.

А.Смит давлатнинг иқтисодий жараёнларига хар қандай аралашуви охир-оқибатда фақат вазиятни ёмонлаштиради деб хисоблайди. Масалан, давлат томонидан белгиланган ташқи савдо тартиб-қоидалари миллий истеъмолчиларга фақат заар келтириши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам импортга бож тўлови (пошлинаси) миллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик бериб, уларнинг чет эл шерикларига нисбатан рақобатлашув қобилиятини оширади. Аммо охир-оқибатда ишлаб чиқаришнинг анча юқори харажатлари ва паст сифатини сақлаб қолишига олиб келади. Бунда паст сифатли ва нархи қиммат товарларни сотиб олишга мажбур бўлган миллий истеъмолчилар ютқазади.

А.Смитнинг «Тинч қўйиш» назарияси, 1923-33 йилларда бозор иқтисодиётига асосланаган деярли барча мамлакатларни қамраб олган иқтисодий инқироз даврида танқидга учради. Иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини кучайтиришни тоқозо қилди.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи Джон М. Кейнснинг «Иш билан бандлик, процент ва пулнинг умумий назариялари» номли китобида ўз аксини топди (1936). Бу китобда муаллиф давлат фискал (хазинавий) ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаши зарурлигини исботлайди.

Амалда гап давлатнинг узлуксиз равишида қризисга қарши ишлаб ўтказиши, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини тугатиш ва саноат циклининг ўзгаришини йўқотиш хақида кетади. Кейнс назарияси анча тугал шаклда А+Шда амалга оширилди.

Урушдан кейинги даврда Кейнс назариясидаги кўрсатмалар у ёки бу даражада бозор иқтисоди амалда устун бўлган барча мамлакатларда фойдаланилди. Шу билан бирга давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг янада кўпроқ ошиб бориши рўй берди. Ҳозирги даврда давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим мақсади сифатида нафақат циклга қарши тартибга солиш ва иш билан бандликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ва яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнин оптималлаштиришни рағбатлантириш тан олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг миллий иқтисодиётга аралашувини нима белгилаб беради?-деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, давлат ўзига миллий иқтисодиётда бозор воситасида ўз-ўзини тартибга солиш орқали бажариш мумкин бўлмаган ёки самарали бажариш мумкин бўлмаган вазифаларни олади. Бунга мудофаани таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий химоялаш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида хусусий ишлаб чиқариш ва истеъмол бир қатор ижобий ва салбий оқибатларни туғдиради.

Бу оқибатлар бевосита учинчи шахс манфаатида акс этади ва демак, кишиларнинг алоҳида гурухи ва умуман жамият манфаатига таъсир қиласди. Масалан, чиқитли технологияга асосланган ишлаб чиқаришларда тозалаш курилмаларига харажатларни тежаш, хусусий ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назаридан (уёки бу компания ёки индивидуал ишлаб чиқаришга) фойдали, атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келиши эса бошқа кишилар учун қўшимча салбий оқибатга эга.

Давлат якка тадбиркор ёки истеъмолчидан фарқли, жамият манфаатини ифодалаб, қўшимча ижобий самарани рағбатлантиришга ва аксинча салбий самара билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиши ва чеклашга харакат қилиши зарур.

Учинчидан, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви шу сабабли рўй берадики, индивидуал истеъмолчилар ҳамма вақт у ёки бу товарни истеъмол қилишнинг оқибатларини объектив баҳолай олмайди. Шу нуқтаи назардан, давлат фойдали истеъмолни кенгайтириш ва аксинча соғлик учун заарлитоварлар истеъмолини чеклаш вазифасини ўз зиммасига олади. Масалан, давлат тамаки маҳсулотларига юқори акциз (эгри) солигини ўрнатиб, бошқа томондан шу маҳсулотни сотиб олиш талабини чеклайди.

Тўртинчидан, давлат ўз зиммасига бозорнинг табиатидан келиб чиқадиган айрим холатларни қисман енгиллаштириш вазифасини олади. Бозор ҳамма учун тўловга қобил талабини қондиришга тенгимкониятни таъминлайди. Аммо бу бозорнинг миллий бойликни ижтимоий адолатли тақсимлашни таъминлашини билдирамайди. Бундай шароитда давлат аҳолининг кам таъминланган қатламининг турмуш даражаси хақида ғамхўрлик қилиши, пулсиз (ёки имтиёзли) билим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш ва шу кабиларни ўз зиммасига олади.

Бешинчидан, хозирги шароитда иқтисодий ўсишнинг барқарор изчилигини рағбатлантириш вазифаси ҳам давлатнинг зиммасига тушади.

#### **Назорат саволлари:**

- 1.1 Давлатни функциялари ва унинг иқтисодий функциялари ўртасидаги фарқини тушунтириб бериш.
- 1.2 Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммо хисобланадими?
- 1.3 Иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш давлатнинг асосий вазифасидир.

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, унинг мақсади ва вазифалари тўғрисида талабаларда тушунча хосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1 Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш мақсадини изохлаб бера олади.

2.2 Давлатни бозор тизимидағи иқтисодий вазифаларини баён қилиб берә олади.

## 2-савол баёни:

Бозор хўжалиги шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбиркорлар тизимидан иборат бўлади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш (ИДТТС)нинг объектив имконияти иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал тўпланиши маълум даражага эришганда вужудга келади. Иқтисодий ривожланишда қийинчиликлар ўсиб ва зиддиятлар тўпланиб бориши бу имкониятларни хақиқатга айлантирини зарур қилиб қўяди. Хозирги шароитда ИДТТС такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни хал қилишга қаратилади. Булар жумласига иқтисодий ўсишни рафбатлантириш, бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-куватлаш, экспортни химоя қилиш кабиларни киритиш мумкин.

ИДТТС механизми тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг мақсади, вазифалари ва тартибга солиш усуллари ҳамда восита ёки дастакларини тўлароқ тавсифлаш лозим.

ИДТТСнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тузумни мустахкамлаш (мамлакат ичидаги ҳалқаро майдонда) ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш хисобланади.

Бу асосий мақсаддан бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар жумласига, иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш; атроф-мухит холатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин. ИДТТС мақсади унинг вазифаларидан аниқ намоён бўлади. Бозор хўжалиги шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари асосан бозор тизимининг амал қилишини енгиллаштириш ва химоя қилиш мақсадига эга бўлади. Бу соҳадаги давлатнинг иқтисодий вазифаларидан қуйидаги икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1.Бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи хукуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;

2. Рақобатни химоя қилиш;

Давлатнинг бошқа вазифалари иқтисодиётни татибга солишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Бу ерда давлатнинг учта вазифаси алоҳида аҳамиятга эга:

1.Даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;

2.Ресурсларни қайта тақсимлаш;

3.Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган инфляция ва бандлилик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рафбатлантириш.

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали амал қилишининг шартшароити хисобланган хукуқий асосини таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Бозор иқтисодиёти учун зарурӣ, хукуқий асосини қуйидаги тадбирлар тақозо қиласи: хусусий корхоналарга қонуний мавқеини

бериш; хусусий мулкчилик хуқуқини аниқлаш ва шартномаларга амал қилишни кафолат қилиш; корхоналар, ресурсларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонуний битимларни ишлаб чиқишиш ва шу кабилар. Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, тадбиркорлик ва акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунлари ҳамда уларга киритилган қўшимча ва тузатишлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича тадбирлари бозор иқтисодиёти учун зарурий, хуқуқий асосини таъминлашга қаратилган.

Давлат томонидан ижтимоий муҳитни таъминлаш ўз ичига ички тартибни саклаш, маҳсулот сифати ва оғирлигини ўлчашга андозалар белгилаш, товарлар ва хизматлар айирбошлишини енгиллаштириш учун миллий пул тизимини муомалага киритиш кабиларни олади.

Рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи механизм бўлиб хизмат қиласди. Бу шундай кучки, у харидорлар амрига ёки истеъмолчилар эркинлигига ишлаб чиқарувчи ва ресурсларни етказиб берувчиларни бўйсундиради. Рақобат шароитида кўплаб харидорлар томонидан билдирилган талаб ва сотувчиларнинг таклифи бозор нархларини белгилайди. Бу шуни билдирадики, ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар фақат бозор орқали хисобга оладиган истеъмолчилар хохишига мослашиши мумкин. Бозор тизимининг иродасига бўйсунувчи, рақобатлашувчи ишлаб чиқарувчилар фойда олишни ва ўз мавқеларининг мустахкамлашини кутади, ким бозор қонунларини бузса, зарар кўради ва охир-оқибатда синади. Рақобат шароитида харидор – бу хўжайн, бозор уларнинг гумаштаси, корхона эса уларнинг хизматкори хисобланади.

Монополия рақобатининг ўрнини алмаштирганда сотувчилар бозорга таъсир кўрсатиши ёки ундаги нархларни ўз манфаатларини кўзлаб ўзгартириши мумкин. Монополиялар ўзларининг таклифлари умумий хажмини тартибга солиши лаёқатидан фойдаланиб маҳсулот хажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали анча барқарор фойда олиши мумкин.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда монополиялар устидан икки усулда назорат ўрнатилади. Биринчи усул, технология ва иқтисодий шароитлар «рақобатли бозор мавжуд бўлиш имкониятини йўқقا чиқарадиган табиий монополиялар» деб номланадиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солади ва кўрсатиладиган хизматларга андозаларни ўрнатади. Транспорт, алоқа, электр қуввати, ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади. Иккинчи усулда самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасида таъминланиши сабабли давлат рақобатини кучайтириш ва химоя қилиш мақсадида монополияларга қарши қонунлар қабул қиласди.

Бизнинг Республикада ҳам монопол фаолиятни чеклаш, товарлар бозорида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ва тадбиркорлар манфаатини химоя қилишга қаратилган қонунлар қабул қилинган.

Бозор тизими кишиларнинг табий қобилияти, орттирган билими ва малакаси ҳамда мулкка эгалигини хисобга олиб, уларнинг юқори даромад олишини таъминлайди. Шу билан бирга жамиятнинг моддий воситаларга эга бўлмаган, билим ва малака даражаси паст, лаёқати ҳам юқори бўлмаган аъзолари, қариялар, ногиронлар, ишсизлар, ёлғиз ва қарамоғида болалари бўлган аёллар жуда кам даромад олади ёки бозор тизими доирасида ишсизлар каби умуман даромадга эга бўлмайди. +исқаси, бозор тизими пул даромадларини ва миллий маҳсулотни жамият аъзолари ўртасида тақсимлашда бир мунча тенгсизликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли давлат ўз зиммасига даромадлар тенгсизлигини камайтириш вазифасини олади. Бу вазифа бир қатор тадбир ва дастурларда ўз ифодасини топади.

Биринчидан, трансферт тўловлари орқаси муҳтоҷларни, ногиронларни ва бироннинг қарамоғида бўлганларни нафақалар ҳамда ишсизларни ишсизлик нафақалари билан таъминлайди. Иштимоий таъминот дастурлари орқали пенсионерлар ва қарияларга молиявий ёрдам кўрсатилади.

Бу барча дастурлар давлат бюджети маблағларини, жамиятнинг кам даромад олган ёки умуман даромадга эга бўлмаган аъзолари хисобига қайта тақсимлайди.

Иккинчидан, давлат бозорни тартибга солиш йўли билан, талаб ва таклиф таъсирида ўрнатиладиган нархларни ўзгартириш йўли билан ҳам даромадларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. Меъёрдаги озиқ-овқат товарларига ўрнатиладиган имтиёзли нархлар ва иш хақининг энг кам (минимал) даражаси хақидаги қонунчилик давлатнинг, аҳолининг маълум қатлами даромадларини оширишга қаратилган тадбирларининг яна бир мисолидир.

Давлат жамият аъзолари ўртасида даромадларни қайта тақсимлашда солик тизимидан ҳам кенг фойдаланади (солик имтиёзлари орқали).

Бозор механизмининг ресурсларни қайта тақсимлашдаги лаёқатсизлиги икки ҳолатда кўринади, яъни рақобатли бозор тизими: 1) маълум товарлар ва хизматларнинг кам микдорини ишлаб чиқаради; 2) ишлаб чиқариши ўзини оқлаган айрим товарлар ва хизматларга ресурсларнинг ҳар қандай турини ажратиш ҳолатида бўлмайди.

Ресурсларнинг қайта тақсимланиши товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш билан боғлиқ фойда ёки зарар, учинчи томонга, яъни бевосита харидор ёки сотувчи хисобланмаганлар томонга «жойини ўзгартирса» вужудга келади. Бу қўшимча самара деб аталади, чунки у бозор қатнашчиси хисобланмаганлар хиссасига тўғри келувчи фойда ёки зарарни ифодалайди. Бунга атроф муҳитнинг ифлосланишини мисол қилиб келтириш мумкин. Кимё корхонаси ўзларининг саноат чиқитларини қўл ёки дарёга оқизса, бу чўмилувчилар, балиқчилар ва атрофдаги аҳолига зарар келтиради.

Ишлаб чиқарувчи эса муҳофаза иншоот ва ускуналар ўрнатмаганлиги хисобига ишлаб чиқариш ҳаражатларининг анча паст даражасини таъминлайди. Давлат ресурсларининг номутаносиб тақсимланиши вужудга келтирадиган бу ҳолатларни тартибга солиш учун қонунчилик тадбирларини қўллайди ёки маҳсус солик ва жарималардан фойдаланади.

Масалан атроф-мухит ва сув хавзаларининг ифлосланишини таъкиқловчи ёки чекловчи қонунлар, ишлаб чиқарувчиларни ўзларининг саноат чиқитларини ишлаб чиқариш жараёнида ифлосланган сувни тозаловчи курилмалар сотиб олиш ва ўрнатиш билан йўқотишга мажбур қиласди.

Бошқа ҳолда давлат маҳсус солиқларни киритиш ёрдамида, атроф-мухитини ифлослантирувни корхоналарга бошқаларга келтириши мумкин бўлган зарарни юклашга харакат қиласди.

Давлат бир қатор йўллар билан ресурсларнинг номутаносиб тақсимланиши келтириб чиқарадиган оқибатларни юмшатишга ҳам харакат қиласди.

Биринчидан, истеъмолчиларнинг аниқ товар ва хизматларни харид қилиш қобилиятини ошириш йўли билан уларнинг талаби кенгайтирилди. Масалан бизнинг Республикаизда ислоҳотларнинг дастлабки даврида озиқ-овқат маҳсулотларига талон тизими жорий этилиши паст даромадли оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини оширади ва шу орқали ресурсларнинг номутаносиб тақсимланишини бартараф қиласди.

Иккинчидан давлат таклифни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни субсидиялаши мумкин. Субсидиялар ишлаб чиқарувчиларнинг зарарини қисқартиради ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ресурсларнинг етишмаслиги бартараф қилинади.

Учинчидан, давлат айрим товарлар ва ижтимоий неъматларни ишлаб чиқарувчиси сифатида чиқади. Бундай тармоқлар давлат мулкчилигига асосланади ва давлат томонидан бевосита бошқарилади ёки уларни молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олади.

Булар фан, таълим, соғлиқни сақлаш, миллий мудофаа, фавқулодда рўй берадиган табиий ходисаларга қарши кураш, ички тартибни сақлаш шулар жумласидандир.

Давлат бюджет маблағлари хисобига ресурсларни хусусий соҳада қўлланилишдан бўштади, ҳамда уларни ижтимоий неъмат ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтириш мумкин. Шундай қилиб, давлат мамлакат миллий маҳсулоти таркибида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида ресурсларни қайта тақсимлайди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодиётнинг барча соҳаларини ресурслар билан таъминлаш, тўлиқ бандлик ва нархларнинг барқарор даражасига эришишда ёрдам бериш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш давлатнинг энг муҳим вазифаси хисобланади.

Иқтисодиётда тўлиқ бандликни таъминлаш учун умумий сарфлар, яъни хусусий ва давлат сарфларини хажми етарли бўлмаса, давлат бир томондан ижтимоий неъматлар ва хизматларга ўз харажатларни қўпайтиради, бошқа томондан хусусий секторнинг сарфларини рағбатлантириш мақсадида солиқларни қисқартиради.

Агар жами сарфлар тўлиқ бандлик шароитида таклиф хажмидан ошиб кетса, бу нархлар даражасининг кўтарилишига олиб келади. Жами сарфларнинг

мазкур ортиқча даражаси инфляцион хусусият касб этади. Бундай ҳолат давлат солиқларни ошириш орқали хусусий сектор сарфларини қисқартириш ва шу йўл билан ортиқча сарфларни тугатишга харакат қилади. Иқтисодиётда ишсизлик мавжуд бўлганда давлат сарфларининг кўпайиши жами сарфлар, ишлаб чиқариш хажми ва бандликнинг ўсишига олиб келади. Ўз навбатида, солиқларнинг қисқариши ёки трансферт тўловларининг кўпайиши жами даромадларни кўпайтиради. Бударомадлар шахсий сарфларнинг ўсишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Давлат ўз ишлаб чиқаришини молиялаштиришдан ташқари ижтимоий сугурта ва ижтимоий тағминотнинг бир қатор дастурларини амалга оширади, иқтисодиётнинг хусусий ва кооператив секторида даромадларни қайта тақсимлайди. Давлат тартибга солувчи хусусиятга эга бўлган бир қатор вазиятларни ҳам амалга оширади. Буларга атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, аҳоли соғлигини сақлаш, бўш ишчи ўринларга эга бўлишнинг teng шароитини таъминлаш ва маълум соҳаларда нарх белгилаш амалиёти устидан назорат қилиш ва шу кабиларни киритиш мумкин.

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида талабаларда тушунча хосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1 Иқтисодиётни тартиблаш усулларини изоҳлай олади.
- 3.2 Иқтисодиётни тартиблаш воситаларини баён қилиб бера олади.

#### **3-савол баёни:**

Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солища бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усулларни умумлаштириб қуйидагича гурухлаш мумкин:

- бевосита таъсир қилиш усуллари;
- бильвосита таъсир қилиш усуллари;
- ташқи иқтисодий усуллар.

Марказдан бошқариш тартиби устун бўлган мамлакатларда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувида бевосита таъсир қилиш усуллари устун бўлса, бозор иқтисодиёти эса биринчи навбатда иқтисодий жараёнларни бильвосита тартибга солиш билан боғланган. Шу билан бирга барча мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори мавжуд. Давлат хилма-хил шаклдаги капиталга эгалик қилади, кредитлар беради, корхоналарга мулкдор хисобланади. Бу давлатнинг ижтимоий капиталнинг бир қисмига эгалик қилишига олиб келади.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солища маъмурий воситалардан фойдаланади. Маъмурий воситалар давлат хокимияти кучига таянади ва таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги тадбирларни ўз ичига олади.

Тартибга солишининг маъмурий воситаларидан фойдаланилганда яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан тўғри тартибга солиш кўзда тутилади. Айниқса, ишлаб чиқариш таназзулга учраган даврда иқтисодиётга бильвосита таъсир қилиш тадбирлари кам самарали бўлиб, маъмурий воситалардан фойдаланишга устунлик берилади. Бу усулдан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

А) иқтисодиётнинг айрим бўғинлари - транспорт, алоқа, атом ва электр-энергетика, коммунал хизмат ва бошқаларни бевосита бошқариш. Бунда давлат мулк соҳиби ва тадбиркор сифатида ўзига қарашли корхона ва ташкилотлар иқтисодий хаётида фаол қатнашади.

Республикада «Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа-энг аввало, давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини қисқартириш унинг корхоналар хўжалик фаолиятига биринч галда хусусий бизнес фаолиятига аралашуви니 чеклаш» хисобланади.

Б) нархлар ва иш хақини қотириб кўйиш сиёсати:

Бу иқтисодиётга аралашишнинг антиинфляцион тадбирлари хисобланиб, инфляцияни юмшатишга қаратилади. Мазкур сиёсатни юритишида нархлар ва иш хақини ошириб қонун билан тасдиқланади ёки маълум доира билан чекланади. Антиинфляцион тадбирлар орқали инфляция даражасининг пасайиши инвестицияларга рағбат беради.

В) иш билан бандлик хизмати фаолиятини ташкил қилиш:

Давлат бу фаолиятни ташкил қилиш билан ишсизликни қисқартириш чораларини кўради. Уларни зарур касбларга қайта тайёрлайди, иш билан таъминланмаганларга нафақа беради, муҳтоҷларга ёрдам кўрсатади.

Г) иқтисодий соҳани тартибга солишини кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш:

Шулар орқали бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади, турли мулк шаклларининг даҳлсизлиги таъминланади, монополияларга йўл берилмайди ва эркин рақобатга шароит яратилади. Иқтисодиётни билвосита тартибга солишида иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-кредит ва солик-бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади.

Пул-кредит сиёсатининг воситалари қўйидагилардан иборат бўлади:

-хисоб ставкасини тартибга солиш;  
-молия-кредит муасссаларининг марказий банкдаги заҳиралари минимал ҳажмини ўрнатиш ва ўзгартириш;  
-давлат муассасаларининг қимматли-қоғозлар бозоридаги операциялари.

Давлат бу дастаклар ёрдамида молия бозорида талаб ва таклиф нисбатини кутилган йўналишда ўзгартиришга харакат қиласи. Жумладан, ссудага бериладиган пул миқдорини ўзгартириш учун фоиз ставкаси воситасидан фойдаланади. Давлат кредитга бўлган талаб ва таклифи Марказий банк орқали қўйидаги йўллар билан ўзгартиради:

Биринчидан, давлат Марказий банк эҳтиётлари орқали банклар маблағларининг қарзга бериладиган ва заҳира (резерв)да тураладиган қисмлари улушкини ўзгартиради. Натижада қарзга бериладиган пул миқдори ўзгаради, яъни унинг таклифи ошса фоиз камаяди, аксинча, у камайса фоиз ошади. Фоизнинг камайиши кредит олишга интилишни кучайтиради ва бу инвестиция фаоллигини орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Иккинчидан, Марказий банк бошқа банкларга паст фоиз ставкасида қарз бериб, уларнинг кредитлаш ишида фаол қатнашиб, иқтисодий ўсишга таъсир қилишини таъминлайди.

Учинчидан, давлат Марказий банк орқали хазина мажбуриятларни тарқатади, ўз облигацияларини сотади ёки қимматли қоғозларини сотиб олади. Натижалда таклиф этилган пул миқдори ўзгариб, бу фоизга таъсир этади. Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифини ўзгартириш борасидаги сиёсати монетар сиёсат деб юритилади.

Давлат бюджет сиёсати унинг даромадлар ва харажатлар қисмини ўзгартиришга қаратилади. Давлат харажатларини қоплаш учун молиявий маблағларни жалб қилишнинг энг асосий дастаги солиқлар хисобланади. Улардан хўжалик субъектлар фаолиятига ва ижтимоий барқарорликка таъсир кўрсатишда ҳам кенг фойдаланилади.

Солиқлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш танланаган солиқ тизимиға, солиқ ставкаси даражасига ҳамда солиқ турлари ва солиқ тўлашда берилган имтиёзларга боғлиқ бўлади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида бюджет харажатларидан ҳам фойдаланади. Бунга биринчи навбатда, давлат кредитлари, субсидиялари ва кафолатлари ҳамда хусусий сектордан товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар мисол бўлади.

ИДТТСда асосий капиталга хисобланадиган жадаллашган амортизация ажратмалари алоҳида рол ўйнайди. У хозирги шароитда жамғариш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни рағбатлантиришнинг асосий воситаси ҳамда иқтисодий цикл ва бандликка таъсир кўрсатувчи муҳим дастак хисобланади.

Иқтисодиётни тартибга солища давлат капитал қўйилмалари муҳим рол ўйнайди. Жумладан, бозор коньюктураси ёмонлашган, турғунлик ёки инқироз шароитида хусусий капитал қўйилмалар қисқаради, давлат инвестициялари эса одатда ўсади. Шу орқали давлат ишлаб чиқаришга таназзул ва ишсизликнинг ўсишига қарши туришга харакат қиласди.

Давлат капитал қийматлари иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришларда ҳам сезиларли ўринга эга бўлади, масалан, давлат хусусий капиталининг оқиб келиши етарли бўлмаган минтақалар, тармоқлар ёки фаолият соҳаларида янги обьектлар қуриш ва эскиларини қайта куроллантириш орқали иқтисодиёт таркибий тузилишига таъсир кўрсатади. Булардан ташқари давлат капитал қўйилмалари илмий-тадқиқот ишларида, кадрлар тайёрлашда, ташқи савдо ва четга капитал чиқаришда ҳам катта рол ўйнайди.

ИДТТСнинг олий шакли давлат иқтисодий дастурлари хисобланади. Унинг вазифаси тартибга солишининг барча усули ва воситаларидан комплекс фойдаланишдан иборат. Иқтисодий дастурлар ўрта муддатли, фавқулодли дастурлар тифиз вазиятларда, масалан, инқироз, оммавий ишсизлик ва кучли инфляция шароитларида ишлаб чиқилиб, қисқа муддатли хусусиятга эга бўлади. Бундай мақсадли дастурларнинг обьекти тармоқлар, минтақалар,

ижтимоий соҳалар ва илмий тадқиқотларнинг ҳар хил йўналишлари бўлиши мумкин.

ИДТТС ташқи иқтисодий усуллар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Бунга маҳсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё билан амалга ошириладиган хўжалик алоқаларига бевосита таъсири кўрсатилади.

Товарлар, хизматлар, капитал ва фан-техника ютуқлари экспортини рағбатлантириш тадбирлари, экспортни кредитлаш, чет эллардан инвестициялар ва экспорт кредитларини кафолатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларга чеклашлар киритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдода бож тўловларини ўзгартириш, мамлакат иқтисодиётiga чет эл капиталини жалб қилиш ёки чеклаш бўёича тадбирлар, мамлакатга четдан ишчи кучини жалб қилиш, халқаро иқтисодий ташкилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишининг асосий воситаларидир.

Шундай қилиб, ИДТТСнинг қараб чиқилган барча ички ва ташқи иқтисодий усуллари биргаликда миллий иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ўз таъсирини кўрсатади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш усулларини изоҳлаб беринг.
2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш воситаларини изоҳлаб беради.
Бу коэффицентлар марказлар ишини меҳнат талаб қилинадиган фаолий турларига йуналтириш имкониятларини баҳолашга ёрдам беради.

-Худудни ишлаб чиқариш - техник ва илмий-техник фонд билан таъминланганлиги:

$$\text{Кфот} = (\text{Фп} + \text{Фнт}) / \text{Пр} \quad (10)$$

Худудни билим талаб ва сифатли маҳсулотларининг кўрсаткичлари. Мазкур гурӯҳ кўрсаткичлари кўйидагиларни аниқлаш имкониятини беради:

-худудни самарали ишлаб чиқариш техник йуналиши:

$$\text{Кpto} = \text{Рспт}/\text{ЧЗ} \quad (11)$$

бу ерда:

Рспт - ишлаб чиқариш техник мақсадларга мулжалланган мураккаб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи.

-худудни илмий-техник унумдорлиги:

$$\text{Китп} = \text{Ритп}/\text{ЧЗ} \quad (12)$$

бу ерда:

Ритп-илмий техник маҳсулотлар ҳажми курсаткичили.

-худудни илмий-техник йуналиши (бунда илмий техник маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш техник мақсадларга мулжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига булинади).

$$\text{Китом} = \text{Ритн} / (\text{Ритп} + \text{Рспт}) \quad (13)$$

Бу коэффицентни ҳисобга олиш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда худудни ихтисослашуви тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Худудни экспорт ишлаб чиқариш техник йўналиши (экспорт қилинаётган ишлаб чиқариш техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотларни шу маҳсулотларни ўмумий ҳажмидаги улуши)

$$\text{Кэксо} = \text{Рэкс}/\text{Рспт} \quad (14)$$

1. Ижтимоий-иктисодий ивожлантириш дастурларини ишлаб чиқишини изохланг.
2. Худудда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини қўллашнинг моҳиятини очиб беринг.
3. Худудий ривожланишда муқобил стратегия қандай изланади?

Юкорида санаб ўтилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин, шулардан асосийлари қўйидагилар ҳисобланади.

-мазкур ҳудуд курсаткичлар даражасини яхши ва ўрта худудлардаги кўрсаткичлар билан солиштириш .

-мазкур ҳудуд бир неча кўрсаткичларини бир бири билан солиштириш.

-мазкур ҳудудни ривожланишини интеграл индикаторини ҳисоблаш.

#### **Назорат саволлари:**

- 3.1. Ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишини асоси нималардан иборат?
- 3.2. Худудда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини қўллашнинг моҳиятини нимада?
- 3.3. Худудий ривожланишда муқобил стратегия қандай изланади?

#### **Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:**

1. Микро ва макро инновацион стратегиянинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Ҳудуни такрор ишлаб чиқариш имкониятларини аниқланг.

#### **Мавзу бўйича асосий хуносалар:**

1. Худудий–инновацион стратегия макро ва микроинновацион стратегиялари оралиғидаги стратегия ҳисобланади. Унинг роли шундан иборатки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ва инновацион жараён ўзининг худудий жойлашувига эгадир.

2. Ҳудудларни мавқеи даражаси уларни қўллаб-қувватлашга боғлик бўлади. Бу қўллаб-қувватлаш ҳудудларда илмий-техник ташкилотларни ташкил этиш учун қарор қабул қилиш, шунингдек турли ҳудудлараро ва ҳудудлар ичида ҳудуднинг илмий-техник ривожланишининг хусусий кўрсаткичлари системасини солиштириш орқали юз беради.

#### **Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартарф этиш йўллари ва чоралари”. -Ўзбекистон, 2008 й.

3. Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Т. Ўзбекистон. 2002 й.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2004 й.

**Мухокама учун саволлар:**

1. Ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишини изоҳланг.
2. Худудий ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини қўллашнинг моҳиятини очиб беринг.
3. Худудий ривожланишда муқобил стратегияни қандай изланишни изоҳлааб беринг.

**Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни оптималь режалаштириш муаммоларини аниклаш ва уларнинг ечимини топиш .
2. Худудларда ижтимоий-иктисодий ривожланиш муаммолари ва унинг ечимини аниклаш.

**7–мавзу: Давлат ва молия-банк тизими.**

**Фанни ўқитиши технологияси:  
“Давлат ва молия-банк тизими.” мавзусидаги маъруза машғулотининг  
технологик харитаси**

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул, вакт
1	<p><b>Машғулотга тайёргарлик босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда молия-крелит сиёсати ва унинг асосий вазифалари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.</p> <p><b>1.2.Идентив мақсадлар:</b></p> <p><b>1.2.1.</b> Давлат бюджети тушунчасини изоҳлааб бера олади.</p> <p><b>1.2.2.</b> Давлат бюджетининг асосий қўрсаткичларни тушунтириб бера олади.</p> <p><b>1.2.3.</b> Давлат бюджетидаги қарзни яратилиш механизмини ёрита олади.</p> <p><b>1.2.4.</b> Солик тизимининг иқтисодиётдаги ўрнини очиб бера олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунчалар:</b> молия тизими, пул-кредит сиёсати, молия-кредит тизими, давлат бюджети, бюджет тақчиллиги, ижтимоий сугурта жамғармалари, сугурта, марказий банк, ихтисослаштирилган банклар, фонд биржалари, валюта биржалари.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> маъруза.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

	<b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> тақдимот, мунозара, ақлий хужум, бахс. <b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> видеопроектор, тарқатма материаллар, китоб билан ишлаш.	
2	Ўкув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзуу ва кўриб чиқиладиган саволлар тушунтирилади. 2.2. Тарқатма материаллар тарқатилади. 2.3. Банк молия тизимининг тармок хўжалигига ўрни қандай – деб савол берилади ?	Ўқитувчи, 10 минут
3	Гурӯҳда ишлаш босқичи: 3.1. давлат бюджетининг асосий қисмларини тушунтиради. 3.2. бюджет тақчиллиги ва бюджет професитини сабабларини айтади. 3.3. қарзни ўз-ўзини яратиш механизмини тушинтиради. 3.4. давлат бюджетининг дефицит ёки профицит натижаларига таъсир кўрсатувчи омилларни ёритади.	Ўқитувчи – талаба, 50 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар: 4.1. Монетар сиёsat деганда нимани тушинасиз? 4.2. Тижорат банкларининг фаолият предметини нималардан иборат? 4.3. Корхонанинг инвестицион молиялаштириш манбаларида банк кредитларининг ўрни нимада? 4.4. Давлатнинг фискал сиёsatидаги ўзгаришлар нималардан иборат?	Ўқитувчи- талаба, 10 минут
5	Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи: 5.1. Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳдил қилинади, тегиши хуносалар чиқарилади. 5.2. Мустакил иш топшириклари уйга вазифа сифатида берилади (Ўзбекистон банк молия тизимидағи ўзгаришларни ёритиш).	Ўқитувчи, 10 минут

### Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- Давлат бюджети: асосий кўрсаткичлар ва миқдорий баҳолаш муаммолари.
- Давлат бюджетининг бирламчи тақчилиги ва қарзни ўз-ўзини яратиш механизми.
- Иқтисодиётнинг молия-кредит дастаги сифатида соликлар тизимининг ўрни ва аҳамияти.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** молия тизими, пул-кредит сиёсати, молия-кредит тизими, давлат бюджети, бюджет тақчиллиги, ижтимоий сугурта жамғармалари, сугурта, марказий банк, иҳтисослаштирилган банклар, фонд биржалари, валюта биржалари.

### Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- Бюджет тақчиллигини бартараф этиш йўллари аниқлаш.
- Иқтисодиётни бошқаришда молиявий кредит йўлларини ёритиш.

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда давлат бюджети: асосий кўрсаткичлар ва миқдорий баҳолаш муаммолари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

## **Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Давлат бюджети тушунчасини изоҳлаб бера олади.

1.2. Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларни тушунтириб бера олади.

**1- савол баёни:** Давлат қарзи-аввалги давлат бюджети тақчиллигига тенг бўлган давлатнинг қимматли қоғоз эгалари олдидағи давлат қарзлари, давлат ички қарзлари-давлатнинг қимматли қоғоз эгалари бўлмиш фуқаролар фирмалар, ташкилотлар одидаги қарзларидир. Ташки қарзлар- давлатнинг чет эл фуқаролари, фирмалари ва ташкилотлари олдидағи қарзлари. Хусусий қарзлар- нодавлат секторининг хусусий қимматли қоғоз эгалари олдидағи қарзларининг умумий ҳажми.

Давлат қарзлари ва хусусий қарзлар- “Даромад-харажат” айланмасининг таркибий элементидир. Даромадлар ортган сайин, уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва бошқалар томонидан ишлатилиши лозим бўлган жамғармалар ҳам ортиб боради.

Қарзларни ташкил қилиш- харажат қилувчи шахсларга жамғармаларни бериш механизмидир. Агар истеъмолчилар ва бизнес қарз беришга лаёқатли бўлмасалар, хусусий қарзлар ортиб бораётган жамғармалар ҳажмини абсорбировка қилиш учун етарли тезликда ўсмайди ва вазифа давлат қарзининг ошиши ҳисобига амалга оширилади. Акс ҳолда иқтисодиёт ресурсларининг тўлиқ бандлик шароитидан чиқиб қолади.

Бюджет тақчиллиги-давлат даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқдир. Бюджет тақчиллиги ва қарзни баҳолаш қуйидаги омиллар таъсирида мураккаблашади:

Одатда давлат харажатлари ҳажмини баҳолашда иқтисодиётнинг давлат секторидаги амортизация ҳисобга олинмайди, Бу эса бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини объектив тарзда ошишига олиб келади.

Давлат харажатларининг мухим моддаларидан бири қарзлар бўйича % ларни тўплаб аста-секин асосий қарзни ўчириш. Давлат харажаталри давлат қарзининг номинал фоизларини эмас, балки реал фоизларини ўз ичига олиши шарт.

Бюджет тақчиллигининг ортиши, давлат харажатлари қарз бўйича тўланадиган инфляцион фоизларининг қўпайиши ҳисобига ўсишидан юзага келади. Баъзан бир вақтнинг ўзида давлат бюджетининг номинал тақчиллиги ва қарзи ўсиб, реал дефицит ва қарз эса пасайиб бораётганини ҳам кузатиш мумкин. Бу хил вазият давлатнинг бюджет солиқ сиёсати самарадорлигини баҳолашда кийинчиликлар келтириб чикаради. Шунинг учун ҳам бюджет дефицитини баҳолашда инфляция ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Квази фискал операциялари қаторига қуйидагилар киради:

А) Тўлиқ банликнинг давлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилиши ва банк ссудалари ёки ўзаро қарзларни тўплаш ҳисобига иш ҳақининг бозор ставкаларида юқори равишда тўплаш;

Б) Иқтисодий ислохатларнинг бошланғич даврида Марказий банкда ажralиб чиқкан нотижорат банклари жамғармалари, яъни хозирда ишламаётган ссудалар (уй хўжаликлари, фирмалар ва ҳоказоларга ажратилган кредитлар). Бу кредитлар асосан Марказий банкнинг имтиёзли

кредитлари ҳисобига тўланади, бунда “ёмон қарзларнинг” ўтиш давридаги иқтисодиёти учун аҳамияти каттадир.

В) Марказий банк томонидан валюта алмашинуви курсини барқарорлаштиришдан юзага келган чиқимларини, давлатга фоизсиз имтиёзли кредитлар (буғдой, гурунч, кофе ва бошқалар харид учун) бўйича харажатларнинг молиялаштириши;

Бюджет тақчиллигини турғунликка ва давлат қарзи ошишига олиб келувчи асосий сабаблар қуйидагилар:

А) ҳарбий ёки бошқа ижтимоий келишмовчиликлар шароитида давлат харажатларининг ошиши. Бюджет тақчиллигини узок муддат давомида молиялаштириш, пул массасининг ортиб кетиши ҳолатини четлаб ўтган ҳолда, инфляцион босимнинг юмшатиш имконини беради;

Б) иқтисодиётнинг даврий пасайишлари ва ўрнатилган стабилизаторлар;

В) иқтисодиётни стимуллаштириш мақсадида солиқларнинг қисқартирилиши.

### **Назорат саволлари:**

1.1. Ислохотларни чуқурлаштириш даврида молия муносабатларининг такомиллашувига таъсир қиласиз?

1.2. Республика банк молия тизимини таркибини тушунтириб беринг?

1.3. Банк молия тизимида бўлаётган ўзгаришлар нималардан иборат?

**2-савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларда давлат бюджетининг бирламчи тақчилиги ва қарзни ўз-ўзини яратиш механизми ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1 Давлат бюджетининг тақчиллигини тушуна олади.

2.2 Давлат бюджетидаги қарзни яратилиш механизмини ола олади.

**2-асосий савол баёни:** Иқтисодий ўсиш омиларидан бири қарзнинг ЯММ нисбатидир. Бу нисбат динамикаси қуйидаги омилларга боғлиқ: қарз бўйича тўланадиган %лар катталигини белгиловчи, реал % ставкаси катталиги; реал ЯММнинг ўсиш суръатлари; давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги умумий дефицит ва қарзлар бўйича тўланадиган %лар йигиндиси ўртасидаги фарқдан иборат.

Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллигини қарз бўйича молиялашда қарз ҳам, у бўйича хизмат кўрсатиш коэффиценти ҳам ортади, яъни иқтисодиётдаги “қарз салмоғи” ҳам ортиб боради.

Бирламчи ортиқчаликнинг ортиши қарз ўз-ўзини яратишнинг олдини олиши мумкин.

$$B\Delta \text{ умумий}(G+N+F)-T$$

$$\text{Бирламчи } B\Delta_k(G+F)-T$$

$$N = D + Rr$$

бу ерда: G- давлат хариди; F-трансферлар; T-бюджетга келиб тушувчи солиқлар; N-қарз бўйича туловлар; D-қарз катталиги; Rr-реал % ставкаси. Давлат қарзининг ўз-ўзини яратиш механизмини қуйидагича ифодалаш

мумкин: бирламчи қарздорликнинг ўсиши давлат заёмларининг эмиссия қилинишига олиб келади, бу эса давлат қарзининг янада ошишига олиб келади. Натижада қарз бўйича тўловлар кўтарилади, умумий тақчиллик юзага келади, давлат яна янги заёмларни чиқаради, бу ҳол эса қарзнинг ва у бўйича тўловлврни ошишига олиб келади.

Агар реал % ставкаси ЯММнинг ўсиш суръатидан юқори бўлса, давлат қарзининг ортиб бориши бошқарib бўлмайдиган бўлиб қолади, чунки реал ЯММнинг ҳар бир ўсиши қарз бўйича %ларни тўлаш учун сарфланиб, қарз оғирлигини ифодаловчи қарз ЯММ нисбатининг ортиб кетишига сабаб бўлади.

Қарзнинг ЯММ нисбатини камайтириш учун қуидаги иккита шароит мавжуд бўлиши лозим: реал фоиз ставкаси, реал ЯММнинг ўсиш суръатидан кичик бўлиши шарт.

ЯММдаги бирламчи бюджет ортиқчалигининг ўсиши доимий бўлиши керак. Давлат бюджети бирламчи тақчиллигининг мавжудлиги «қарз салмоғи» ортишининг омили ҳисобланади.

Солиқларнинг ортишини ўсиб бораётган қарз бўйича хизмат кўрсатиш шарти бўлиб келиши меҳнатга, янгилик киритишга, инвестициялашга бўлган лаёкатнинг пасайишига олиб келади.

Шунинг учун йирик давлат қарзларининг мавжудлиги нисбатан иқтисодий ўсиш имкониятларини чегаралайди.

Давлат бюджет дефицитини узок муддат давомида молиялаш % ставкасини оширади, бу эса ўз навбатида, инвестицион харажатлар камайишига олиб келади. Хусусий секторда ё истеъмол, ё инвестицион товарлар ишлаб чиқарилиши сиқиб чиқарса, бугунги авлоднинг яшаш даражасига таъсир қилмайди. Лекин келажак авлодга кичик хажмдаги асосий ишлаб чиқарувчи фонdlар мерос бўлиб қолади ва ўз навбатида бу даромадлар даражасининг пасайишига олиб келади. Бу хил таъсир давлат харажатларни асосан истеъмол харажатлари (ижтимоий трансферлар, уқувчилар учун субсидиялар ва хоказо) ни кўтариш ҳисобига оширидганда рўй беради. Давлат инвенстициялари (сармоялари) хусусий сармоялар каби иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлайди. Агар давлат харажатлари, инвестицион харажатлар (масалан, сармояларнинг автострадалар курилишига, соғлиқни сақлаш тизимига, таълимга жалб этилиши) кўринишига ўтса, у ҳолда келажак авлод кўлига ўтадиган ишлаб чиқарувчи кучлар камаяди. Уларнинг тузилиши, таркиби эса давлат капитали улушининг фойдасига ўзгаради. Лекин шу билан бирга истеъмол учун мулжалланган хусусий инвестициялар сиқиб чиқарилиши мумкин, бу эса аҳолининг жорий истеъмоли чегараланишига олиб келади.

### **Назорат саволлари:**

- 2.1. Давлат бюджети моҳияти ва таркибини нималардан иборат?
- 2.2. Давлат бюджетининг ҳозирги кундаги аҳволига изоҳ беринг?
- 2.3. Бюджет дефицитини ва уни бартараф этиш йўлларини қандай?

**3-савол бўйича дарснинг асосий мақсади:** Талабаларда иқтисодиётнинг молия-кредит дастаги сифатида солиқлар тизимининг ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1 Солиқ тизимининг моҳиятини тушуна олади.
- 3.2 Солиқ тизимининг иқтисодиётдаги ўрнини очиб бера олади.

**3-асосий савол баёни:** Республикамиз иқтисодиётида улкан ўзгаришлар бошлангандан бери долзарб, қўпгина бахсларга сабаб бўлаётган масалалардан бир-солиқлар масаласидир. Хўш нима учун шундай?

Солиқлар мураккаб ва кўп қиррали категориядир. Давлат улар ёрдамида ижтимоий эҳтиёжларни кондириш ва ўз харажатларини қоплаш учун мажбурий равишда қийматнинг бир қисмини олиб қўяди.

Солиқ тизими-муайян шароитда давлат фойдасига ундириладиган солиқлар мажмуудир, уларни йиғиб олиш йўллари ва усулларининг ташкил этилишидир. Солиқ тизимига солиқ турлари, солиқ имтиёzlари, солиқлар миқдори, солиқ ундириладиган даромадларни аниқлаш киради.

Солиқ тизимининг вазифаси қуйидагилардир:

А) солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;

Б) ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги фаолиятни рағбатлантириш ва четлаб ўтиш;

В) аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтёзлар бериш.

Солиқлар ва уларнинг миқдори мухим аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрларни давом эттириб, шуни айтиш мумкинки, солиқлар, авваламбор марказлашган ресурсларни шакллантирувчи асосий унсурдир. Солиқлар охир оқибатда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг самарали ишлашини таъминлаши керак. Унинг учун улар қулай бўлиши лозим. Солиқларнинг қулайлиги қуйидагиларга аҳамият беришни тақозо этади:

Маҳсулот қийматидан маълум бир қисмининг солиқ шаклида олиб қўйилиши ишлаб чиқарувчи даромадини камайтиради, шу билан бирга уни йўқолган даромадини қоплаш мақсадида фаолрок фаолият кўрсатишга рағбатлантиради. Инглиз иқтисодчиси Мак Куллоҳ шундай деган эди “солиқларнинг ортиши хусусий одамга, унинг оиласининг ўсиши ва харажатларининг кўпайишига қандай таъсир этса, миллатга ҳам шундай кучли таъсир кўрсатади. Солиқларнинг доимий ўсиб бориши, тадбиркорлик, ижодкорлик, ривожланиш ва иқтисод қилишга шароит яратиб беради. Агар солиқлар енгил бўлганда эди, улар бундай самарали бўлмас эди”.

2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси

даромадларининг кўпайишига сезиларли равища ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

### **Назорат саволлари:**

- 3.1. Иқтисодиётни бошқаришда солиқ механизмини ўрни қандай?
- 3.2. Лаффер эгри чизигининг аҳамиятини нимадан иборат? Икки даражадаги банк тизими деганда нимани тушунасиз?
- 3.3. Ўзбекистон республикаси солиқ тизимини ривожлантириш стратегиясини таҳлили нималардан иборат?

### **Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:**

1. Банк молия тизимининг иқтисодиётдаги аҳамиятини ёритиб беринг.
2. Молия тизимидағи ўзгаришларни ёритиб беринг

### **Мавзу бўйича асосий хulosалар:**

1. 2010 йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпdir.

2. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир.

3. Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

4. Иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёsat билан боғлик. 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиги 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилди. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

### **Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартарф этиш йўллари ва чоралари”. -Ўзбекистон, 2008 й
2. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласиди.. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
3. Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Т. Ўзбекистон. 2002 й.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2004 й.

## **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини анилаш ва ечимларини топиш ва ечимлари.
2. Давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида фирма ресурсларининг тутган ўрнини курсатиш.

### **8–мавзу:” Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги давлатнинг фаол инвестицион сиёсати”**

#### **Фанни ўқитиши технологияси:**

**“Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги давлатнинг фаол инвестицион сиёсати” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

T/p	<b>Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни</b>	<b>Амалга оширувчи маъсул, вакт</b>
1	<p><b>Машғулотга тайёргарлик босқичи:</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларга инвестицион сиёсат ва унинг асосий вазифалари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш</p> <p><b>1.2. Идентив мақсадлар:</b></p> <p><b>1.2.1.</b> Инвестицион сиёсатни иқтисодиётда тутган ўрнини ёрита олади.</p> <p><b>1.2.2.</b> Инвестицияларни моҳияти ва турларини ёрита олади.</p> <p><b>1.2.3.</b> Инвестицияларнинг самарадорлигини кўрсаткичлар орқали аниқлай олади.</p> <p><b>1.2.4.</b> Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати ва уни такомиллаштириш йўлларини тушунтира олади.</p> <p><b>1.4.</b> Асосий тушунчалар: инвестиция, капитал қурилиш, инвестициялар, бозор инфратузилмаси, қурилиш дастури, ишлаб чиқариш кувватлари, капитал қурилиш, асосий фондлар, ноишлаб чиқариш фондлари, капитал қўйилмалар, ноишлаб чиқариш соҳаси, капитал қўйилмаларнинг молиявий манбалари, жамғарма фонди.</p> <p><b>1.5. Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.6. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> тақдимот, мунозара, ақлий ҳужум, баҳс.</p> <p><b>1.7. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> видеопроектор, тарқатма материаллар, китоб билан ишлаш.</p>	Ўқитувчи, 10 минут
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу ва кўриб чиқиладиган саволлар тушунтирилади.</p> <p><b>2.2.</b> Тарқатма материаллар тарқатилади.</p> <p><b>2.3.</b> Инвестиция сиёсатининг иқтисодиётдаги ўрни қандай – деб савол берилади ?</p>	Ўқитувчи, 10 минут
	<p><b>Гурӯхда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> давлатнинг инвестиция сиёсатини тушунтиради.</p> <p><b>3.2.</b> реал ва молиявий инвестицияларни фарқини атади.</p>	Ўқитувчи –

<b>3</b>	<b>3.3.</b> инвестицион фаолиятни. <b>3.4.</b> хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ёритади.	<b>талаба, 50 минут</b>
<b>4</b>	<b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</b> <b>4.1.</b> Инвестициялар деганда нимани тушинасиз? <b>4.2.</b> Реал ва моливий инвестицияларнинг фарқи ва бир бири билан боғланганлик жиҳати нималардан иборат? <b>4.3.</b> Инвестицион фаолият билан инвестицион жараённинг ва инвестицион циклнинг фарқи нимада? <b>4.4.</b> Ўзбекистонда қандай ва қанча инвестицион лойихалар ишлабчи қарилган ва амалга оширилган? Мисоллар келтиринг.	<b>Ўқитувчи- талаба, 10 минут</b>
<b>5</b>	<b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b> <b>5.1.</b> Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳдил қилинади, тегишли хуносалар чиқарилади. <b>5.2.</b> Мустақил иш топшириклари уйга вазифа сифатида берилади (Инвестициялаш жараённининг моҳиятини ёритиш).	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Миллий иқтисодиётга инвестиция жалб қилишнинг аҳамияти.
2. Инвестиция фаолиятининг шаклланиши ва тартибга солиниши.
3. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўллари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** инвестиция, капитал курилиш, инвестициялар, бозор инфратузилмаси, курилиш дастури, ишлаб чиқариш қувватлари, капитал курилиш, асосий фонdlар, ноишлаб чиқариш фонdlари, капитал қўйилмалар.

### **Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:**

1. Ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида давлатнинг инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини кўрсатиш.
2. Давлатнинг инвестиция сиёсатини изоҳлаш.

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда миллий иқтисодиётга инвестиция жалб қилишнинг аҳамияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инвестицияларни жалб қилиш заруриятини очиб бера олади.
2. Капитал курилишни такомиллаштириш вазифаларини ўргана олади.

**1- савол баёни: Инвестиция** - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фаолият объектларига қўйиладиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларга нисбатан бўлган мулкчилик. **Инвестиция турлари.**

Капитал инвестициялар-асосий фонdlарни яратиш ва тақрор ишлаб чиқариш учун қўйиладиган инвестициялар

Инвестицияли инвестициялар-техника ва технологиянинг янги авлодига яратиш ва тадбик этишга қўйилган қўйилмалар

Ижтимоий инвестициялар-инсон салоҳияти, билими ва ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантиришга қўйилган қўйилмалар

**Инвестор** - ўз маблағлари, қарз маблағлари ва жалб қилинган бошқа маблағларни сармоялайдиган ҳамда мулкий бойликларни ва инвестиция фаолияти обьектларини сармоялайдиган шахс .

**Инвестиция фаолияти субъектлари:**

- 1) жисмоний ва юридик шахслар-ўз резидентлари;
- 2) жойлардаги давлат хокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари;
- 3) хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар чет-эл юридик шахслари ва фуқаролари, ҳамда фуқаролиги йўқ бўлган шахслар;

**Инвестицион фаолият** – инвестицияларни амалга ошириш билан боғлик бўлган инвестицион фаолият субъектлари ҳаракатининг йифиндиси

Инвестицион ресурсларга куйидагилар киради:

- 1) пул ва бошқа молиявий маблағлар, кредитлар, акциялар ва бошқа қимматли қофозлар;
- 2) ҳаракатдаги кўчмас мулк;
- 3) интеллектуал мулк обьектлари;
- 4) ер ва бошқа табиий ресурсларга бўлган эгалик ва фойдаланиш ҳукуқи;
- 5) республика қонунчилигига тўғри келадиган бошқа бойликлар.

**Инвестициялар** –асосий фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган жараёндир (ресурслар ҳаражатларга айланади). Инвестициялар қисқа муддатли (1 йилгача) ва узок муддатли (1 йилдан ортиқ) инвестицияларга бўлинади.

**Инвестицион фаолият обьектлари:**

- асосий фондлар ва айланма маблағлар;
- қимматли қофозлар;
- фан-техника маҳсулоти;
- мақсадли пул маблағлари;
- мулкий ҳукуқ ва интеллектуал мулкка ҳукуқ

**Инвестицион фаолият субъектлари:**

- инвесторлар;
- буюртмачилар;
- ишни бажарувчилар;
- инвестицион фаолият обьектларидан фойдаланувчилар;
- инвестицион фаолиятнинг бошқа иштирокчилари.

Инвестирлаш жараёни - пул маблағларини жамғариш, яъни молиялаш манбай маблағларнинг ишлатилиши

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига teng миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар микдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиха амалга оширилди. Жумладан, йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган “Деҳқонбод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги обьектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилганини таъкидлаш жоиз.

2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси худудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш кувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани, айниқса, муҳимдир.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, “Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон” кўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича кувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда майший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида “MAN” юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари яқунига етказилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон — Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустрисал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полимерлен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### **Назорат саволлари:**

- 1.1. Инвестиция тушунчасига изоҳ беринг?
- 1.2. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш йўлларини кўрсатинг?
- 1.3. Давлатнинг инвестиция сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг?

**2-савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларда инвестиция фаолиятининг шаклланиши ва тартибга солиниши ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1 Инвестицияларни классификациялай олади.
- 2.2 Инвестиция фаолиятини тартибга солиш механизмини ёрита олади.

### **2-асосий савол баёни:**

Инвестицияларнинг мазмун-моҳияти бўйича замонавий қарашиб нуқтаи назарларининг ўрганилиши шуни кўрсатадики, иқтисодий фанларнинг турли бўйимлари ва амалий фаолиятда улар турлича талқин этилади. Инвестициялаш мақсадлари, соҳалари, сафарбар этилиш обьектлари, харакат йўналишларидан келиб чиқиб, инвестициялаш тушунчasi ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи назаридан, фақат капитални йўқотиш риски мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларини вужудга келтиради.

Инвестицияларнинг таснифи (классификацияси)га мувофиқ ва улар молиялаштириш манбаларининг ишончлилигига қараб рисклар мажмуаси ўзгариб боради.

Инвестициялар капиталнинг барча шакллари (ссуда, акциядорлик, тадбиркорлик)дан фарқли ўларок, бутун рисклар мажмуини ҳис этади ва капитал қийматининг йўқотиш рискини минималлаштиришни назарда

тутади. Капиталдан фарқли ўлароқ, инвестициялар аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан онгли равишда тўқнашади ва боғланади. Инвестицияларнинг мамлакатлараро кўчиди юриши ноаниқ рисклар ва ноаниқлик даражасини оширади.

Инвестициялар инвестициялаш мақсадлари ва улар билан боғлиқ рисклардан келиб чиқиб қўйидаги турларга бўлинади: венчур; бевосита; портфел; аннуитет. Кўйиш обьекти бўйича: мол-мулк; инвестиция; молиявий. Инвестициялаш субъектлари бўйича: давлатга қарашли; корпоратив; хусусий. Қайта ишлаб чиқариш бўйича: соф; путурдан кетишни қопловчи; ялпи. Қаратилган соҳа ва обьектлари бўйича: капитал; инновация; ялпи. Ҳаракат йўналиши бўйича: янги лойиҳаларга; кенгайтиришга инвестициялар; инвестициялар.

Инвестицияларнинг мазмуни, аниқ манбалардан маблағ олишга, капитал қийматини сакланиш риски даражаси ва бўлажак самарага эришишни хисобга олган ҳолда уларнинг асосли қўйилишини билдиради. Ана шу белгиларга кўра, инвестициялар бошқа қўйилмалардан фарқ қилиши мумкин. Булар барчасининг асосида капиталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади. Капиталнинг ҳаракат қилиш жараёнига жалб этилиши инвестициялар моҳиятини акс эттиради. Инвестициялаш жорий қиймати саклаш, келгуси жамғармаларни таъминлаш мақсадида капиталлашувга қаратилади. Хуроса қилиб айтадиган бўлсак, инвестициялар назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор рисклар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида, ўз ва ўзга маблағлар қийматининг капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланишидан далолат беради.

#### **Назорат саволлари:**

Ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширилишини формуласи қандай аниқланади?

Асосий фондларни ишга туширилишини қиймат кўринишидаги формуласи қандай?

Инвестициялар иқтисодий ўсишга қандай таъсир ётади?

**3-савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларда иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш йўлларини ҳакида тушунча ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

3.1 Хорижий инвестицияларнинг моҳиятини ёрита олади.

3.2 Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш йўлларини очиб бера олади.

**3-асосий савол баёни:** Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишдир.

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкини, кўп жиҳатдан бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу, авваламбор, газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гурухи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирав ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисми, холос.

2012-йилда мамлакатимизда инвестициялар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этди.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар микдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб етилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил етди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал кўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция обьекти қуриб битказилди.

2012-йилда қурилиши нихоясига етказилган энг йирик обьектлар Навоий иссиқлик элэктр станциясида Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаволт қувватга ега бўлган буғ-газ курилмасининг ишга туширилди.

### **Назорат саволлари:**

- 3.1.Халқаро инвестиция муносабатларини мазмунини тушунтириб беринг?
- 3.2.Хориж капитали деганда нимани тушунасиз?
- 3.3. Давлатнинг инвестиция сиёсатининг зарурлиги қандай ҳолларда намоён бўлади?

### **Мавзуга оид мустақил иш топшириклари:**

1. Инвестиция сиёсатининг иқтисодиётдаги аҳамиятини ёритиб беринг .
2. Инвестицияларни жалб этиш йўлларини кўрсатинг.

### **Мавзу бўйича асосий хулюсалар:**

1. Инвестицияларнинг моҳияти бўйича хулоса чиқарилса, улар аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар ва бўлажакдаги даромдлар билан боғлиқдир. Инвестициялаш ҳақидаги лойиҳа таналанар ва улар бўйича қарор қабул қилинар экан, асосий эътибор рискларни ва бўлажак инвестиция даромадлигини ҳисобга ола билишга қаратилиши зарур.

2. Инвестицияларнинг мазмуни, аниқ манбалардан маблағ олишга, капитал қийматини сақланиш риски даражаси ва бўлажак самарага эришишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг асосли қўйилишини билдиради. Ана шу белгиларга кўра, инвестициялар бошқа қўйилмалардан фарқ қилиши мумкин. Булар барчасининг асосида капиталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади.

3. Инвестициялаш жорий қиймати сақлаш, келгуси жамғармаларни таъминлаш мақсадида капиталлашувга қаратилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартарф этиш йўллари ва чоралари”. -Ўзбекистон, 2008 й

2. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди.. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Мажкамаси мажлисидаги маъruzasi // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.

## **9–мавзу: Аҳоли бандлиги ва унинг бандлигини таъминлашнинг йўналишлари**

### **Фанни ўқитиши технологияси:**

**“Аҳоли бандлиги ва унинг бандлигини таъминлашнинг йўналишлари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул, вақт
1	<b>Машғулотга тайёргарлик босқичи:</b> 1.1. Дарс мақсади: Талабаларда меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги муаммолари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш. <b>1.2.Идентив мақсадлар:</b> 1.2.1. Меҳнат ресурслари тушунчасини изохлаб бера олади 1.2.2. Қишлоқ хўжалигига меҳнат бозорининг аҳамиятини тушуна олади. 1.2.3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ўргана олади. 1.2.4. Меҳнат унумдорлигини тушунтира олади. <b>1.3. Асосий тушунчалар:</b> меҳнат ресурслари, таркиби, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг даврийлиги, меҳнат бозори, ижтимоий-иктисодий муносабатлар,	Ўқитувчи, 10 минут

	<p>ишизларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат қилиш эквиваленти, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, меҳнат ресурсларининг етишмаслиги.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> тақдимот, мунозара, ақлий хужум, баҳс.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> видеопроектор, тарқатма материаллар, китоб билан ишлаш.</p>	
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу ва кўриб чиқиладиган саволлар тушунтирилади.</p> <p><b>2.2.</b> Тарқатма материаллар тарқатилади.</p> <p><b>2.3.</b> Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф қандай амалга оширилади – деб савол берилади?</p>	<b>Ўқитувчи,</b> <b>10 минут</b>
3	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Меҳнат бозорига таъриф беради.</p> <p><b>3.2.</b> Ишчи кучига талаб ва ишчи кучига таклиф ўртасидаги мутаносибликни аниқлайди.</p> <p><b>3.3.</b> Ишизликни бартараф этиш йўлларини излаб топади.</p> <p><b>3.4.</b> Касаначиликнинг иқтисодий моҳиятини ёритади.</p>	<b>Ўқитувчи – талаба,</b> <b>50 минут</b>
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</b></p> <p><b>4.1.</b> Меҳнат бозори деганда нимани тушунасиз?</p> <p><b>4.2.</b> Қишлоқ жойларда меҳнат бозори қандай ташкил этилган?</p> <p><b>4.3.</b> Қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш қай даражада?</p> <p><b>4.4.</b> Сизнинг фикрингизча бозор шароитида ишизликни тўлиқ бартараф этса бўладими?</p>	<b>Ўқитувчи- талаба,</b> <b>10 минут</b>
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Мақсад ва вазифалар бажарилганилиги таҳлил қилинади, тегишли хуносалар чиқарилади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириклари уйга вазифа сифатида берилади (Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида давлат меҳнат бозорини тартибга соладими?).</p>	<b>Ўқитувчи,</b> <b>10 минут</b>

### Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Меҳнат ресурслари, таркиби, унумдорлиги уларнинг аҳамияти.
2. Қишлоқ хўжалигига меҳнат бозори.
3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** меҳнат ресурслари, таркиби, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг даврийлиги, меҳнат бозори, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ишизларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат қилиш эквиваленти, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, меҳнат ресурсларининг етишмаслиги.

### Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.1. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш йўлларини кўрсатинг?
- 1.2. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи қандай омиллар мавжуд?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларга меҳнат ресурслари уларнинг таркиби ва унумдорлиги тўғрисида тушунча бериш.

## **Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1 Мехнат ресурслари тушунчасини изоҳлаб бера олади.

1.2. Мехнат ресурсларининг таркиби ва унумдорлигини ўргана олади.

**1-асосий савол баёни:** Аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишиси меҳнат ресурслари ҳисобланади. Уларга 15 га кирган ўсмирлар, 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 16-60 ёшгача бўлган эркаклар ҳамда пенсия ёшидаги меҳнатга қобилиятли бўлган фуқаролар киради. Шу масала «Мехнат кодексида» «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» кодекс ва қонунда батавсил ёритилган.

Мехнат унумдорлиги юкори бўлган корхоналарда, тармоқларда иқтисодиёт даражаси юкори суръатлар билан ривожланган бўлади. Шунинг учун бу масалага яъни меҳнат унумдорлигини юксалтиришга республикамиз ҳукумати доимо катта эътибор бермоқда. Меҳнат ресурслардан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда унинг бир қанча хусусиятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш унинг унумдорлиги об-ҳаво шароитларга бевосита боғланган. Ишлаб чиқаришнинг даврийлиги (сезонлиги) ундаги ишларни механизациялашганлик даражасининг нисбатан пастлиги ҳам муҳим масаладир. Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилияти тор доирада ихтисослашмаган. Бу тармоқда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Меҳнат ресурслари ўзларининг анча вақтини, қобилиятни шахсий хўжалик ташкил этади ва бошқалар. Бу уларни бир қанча мисоллар билан исботлаш жуда зарур.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

## **Назорат саволлари:**

1.1. Мехнат ресурсларининг иқтисодий моҳияти нимада?

1.2. Республика меҳнат ресурслари таркибига изоҳ беринг?

1.3. Ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда меҳнат ресурсларининг ролини таҳлил қилинг?

**2-савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларга қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорининг фаолияти тўғрисида тушунча бериш.

## **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорининг аҳамиятини тушуна олади.

2.2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорининг фаолият юритишининг аҳамиятини очиб бера олади.

**2-асосий савол баёни:** Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилиятини таклифи ҳамда уларни ишга олиш (сотиб олиш) яъни иш билан таъминловчилар ўртасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини амалга оширадиган манзил (худуд) меҳнат бозори эканлигини далолат беради. Меҳнат бозорида ўзларининг меҳнат қилиш қобилиятини таклиф этувчи фуқаролар бир томонда уларни исътемол этувчи, яъни ишга олевчи корхоналар иккинчи томонда учрашиб меҳнат олмашув (меҳнатни олди-сотди) жараёнини амалга оширувчилар қатнашдилар. Меҳнат бозори иқтисодий муносабатларини амалга оширувчи бозорлар тизимининг муҳим таркибий қисмидир.

Меҳнат бозорида талаб ва таклиф қонунларининг талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги ҳолатга шакллантирилиши лозим.

1. Меҳнат бозорида ҳар қандай бозордагидек, кишини меҳнат қилиш қобилиятини олди-сотди қилиш жараёни эркин рақобат асосида таъминланиши лозим (меҳнат қилиш қобилиятини сотишни ҳоҳлаганлар сотишга) беришга, уни сотиб олевчи корхоналарга эса олиш, сотиб олиши имкониятларига шароит яратилиши керак.

2. Масалан меҳнат қилиш қобилиятини олди-сотди жараёнини амалга оширилиши натижасида меҳнат қилиш қобилиятини берувчилар (сотувчилар) унга эгалик қилиш хуқуқларини сотиш эвазига иш хаққи (баҳосини) олишлари, меҳнат қилиш қобилиятини олевчилар эса хақ тўлаш эвазига меҳнатга эгаллик қилиш хуқуқини сотиб олиш имконияти яратилиши зарур. Сотиб олевчи ишчини меҳнат қилиш қобилиятига эгалик қилиш, ундан унумли фойдаланиш хуқуқига эга бўлиши лозим.

#### **Назорат саволлари:**

- 2.1. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорининг назарий асосларига муносабатингиз қандай?
- 2.2. Меҳнат бозорининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- 2.3. Меҳнат бозорининг фаолият предмети нимадан иборат?

**3-савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларда меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1 Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ўргана олади.
- 3.2 Меҳнат унумдорлигини тушунтира олади.

**3-асосий савол баёни:** Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланиш лозим. Улардан қандай фойдаланилаётганликни бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Энг аввало меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти. У ҳақиқатда ишлаб чиқаришда ишлаган меҳнат ресурсларининг миқдорини (кишиларни) меҳнат ресурсларининг мавжуд бўлган миқдорига тақсимлашш йули билан аниқланади. Унда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$MP = MP_i / MP_m;$$

бунда: МРи - хақиқатда ишлаган меҳнат ресурслари(киши);

МРм - мавжуд бўлган меҳнат ресурслари.

Меҳнатга қобилиятли бир кишининг 1 йилда, 1 ойда ўртача ишлаб чиқаришда қатнашган вақти. Уни аниқлаш учун ишлаб чиқариш жами сарфланган иш вақтини (киши кунлари, соатларида) шуни сарфланган (ишлаган) жами меҳнат ресурсларининг умумий миқдорига тақсимлаш лозим. Уни қўйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$MP_{IV} = \frac{\sum_{CIV}}{\sum_{MPI}};$$

унда: МРив - ўртача ишлаб чиқаришда қатнашган вақти (к/к/с);

$\sum_{CIV}$  - жами сарфланган иш вақти (к/к/с).

Юқоридаги кўрсатгичлар қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда учун унумдорлигини меҳнат унумдорлиги даражаси қандай ахволда эканлигини аниқлаш ва уларни тўлиқ таҳлил қилиш имкониятини беради. Шунча асосланган ҳолда келажакда меҳнат ресурсларидан яхши фойдаланиш ошириш чора-тадбирларини белгилашга жуда катта ёрдам кўрсатади.

#### **Назорат саволлари:**

- 3.1. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичи қандай аниқланади?
- 3.2. Меҳнатни мавсумийлик коэффицентини формуласини ёритиб беринг?
- 3.3. Меҳнат ресурслари унумдорлигини оширишга муносабатнинг қандай?

#### **Мавзуга оид мустақил иш топшириклари:**

1. Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларининг фаол қисмининг ҳаракатини тушунтиринг.
2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида давлатнинг ишсизликни бартараф этишга қаратилган сиёсати нималардан иборатлигини кўрсатинг.

#### **Мавзу бўйича асосий хулюсалар:**

1. 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуний билан қайд этишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

2. 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.

3. Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

4. Юртимизда оиласаларнинг сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошди. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 та оиласа ўртача 132 та телевизор, 99 та

холодилник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобиль түғри келмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартарф этиш йўллари ва чоралари”.-Ўзбекистон, 2008 й.
2. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
3. Тухлиев Н. Ўзбекистон иктисодиёти. – Т. Ўзбекистон. 2002 й.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иктисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар ўюшмаси. 2004 й.

### **10–мавзу: Миллий иктисодиётдаги таркибий ўзгаришларни тартибга солиш**

#### **Фанни ўқитиши технологияси: “Миллий иктисодиётдаги таркибий ўзгаришларни тартибга солиш” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул, вакт
1	<p><b>Машғулотга тайёргарлик босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг яқунлари ва устивор йўналишлари түғрисида тушунчалар ҳосил қилиш</p> <p><b>1.2.Идентив мақсадлар:</b></p> <p><b>1.2.1.</b> Мамлакатнинг иктисодий ривожланишини изоҳлаб бера олади.</p> <p><b>1.2.2.</b> Мамлакат ижтимоий соҳадаги ривожланиши тушунтира билади.</p> <p><b>1.2.3.</b> Устивор йўналишнинг моҳиятини тушунтира олади.</p> <p><b>1.2.4.</b> Иктисодий ва ижтимоий соҳалардаги устивор йўналишларнинг шарҳлаб бера олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунчалар:</b> макроиктисодий вазият. ЯММ, кичик бибнес, хусусий тадбиркорлик, инфратузилма, қурилиш, транспорт тизими, турмуш даражаси, миллий даромад, модернизация, инқироз, диверсификация.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> тақдимот, мунозара, ақлий хужум, бахс.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> видеопроектор, тарқатма материаллар,китоб билан ишлаш.</p>	Ўқитувчи, 10 минут
	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу ва кўриб чиқиладиган саволлар тушунтирилади.</p>	

<b>2</b>	<b>2.2.</b> Тарқатма материаллар тарқатилади. <b>2.3.</b> Талабалардан иқтисодиётда инқироздан чиқиш йўли қандай – деб савол берилади ?	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>
<b>3</b>	<b>Гуруҳда ишлаш босқичи:</b> <b>3.1.</b> Макроиқтисодий кўрсаткичларни изохлайди. <b>3.2.</b> Мамлакатимиздаги ривожланишининг йил якунларини ёритади. <b>3.3.</b> Ривожланишининг устивор йўналишларини кўрсатади. <b>3.4.</b> Инқироздан чиқиш йўлларини кўрсатади.	<b>Ўқитувчи – талаба, 50 минут</b>
<b>4</b>	<b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</b> <b>4.1.</b> Макроиқтисодий вазиятнинг йўналишлари нималардан иборат? <b>4.2.</b> Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш деганда нимани тушунасиз? <b>4.3.</b> Иқтисодиётнинг асосий устивор йўналиши қандай? <b>4.4.</b> Тангликдан чиқиш йўллари нималардан иборат?	<b>Ўқитувчи- талаба, 10 минут</b>
<b>5</b>	<b>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</b> <b>5.1.</b> Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли хуносалар чиқарилади. <b>5.2.</b> Мустақил иш топшириклари уйга вазифа сифатида берилади (Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнини кўрсатиш).	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг йил якунлари.
2. Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг устивор йўналишлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** макроиқтисодий кўрсаткичлар, устивор йўналиш, инқироз, иқтисодий ўсиш, миллий даромад, модернизация, диверсификация, дастур, инфратузилма, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш.

#### **Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:**

1. Макроиқтисодий вазиятдаги барқарорликга олиб борувчи йўл иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш деб қаралади. Сизнингча бу қараш тўғрими? Ёки унга бошқача таъриф бериш керакми?
- 1.2. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироз Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларига салбий таъсир кўрсатган деб ҳисобланади. Сиз ҳам шу фикрга қўшиласизми ёки бошқача фикрингиз борми?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг йил якунлари тўғрисида талabalарга тушунча бериш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини изоҳлаб бера олади.
- 1.2. Мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги ривожланиши тушунтира билади.

**1- савол баёни:** 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000 — 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур

кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

2011 йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсади.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсади, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга қўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсади. Қайд этиш жоизки, Давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-кувватлашга йўналтирилди.

2012 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича “Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат”, деб ҳисобланади.

2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “барқарор” рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани, айниқса, эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташки қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар — юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

2011 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмлиқдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткичи экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмагандা ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди.

Йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Бу кўрсаткич, аввало, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисбот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан

фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чоратадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тијорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шаклантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани, айниқса, муҳимдир.

2011 ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди.

2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсиди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда — шунга эътибор беришингизни сўрайман — аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтоҷ тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-кувватлаш ва солиқ имтиёzlари бориш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга

бўлган гурухлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсади, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

Айни шу кўрсаткичлар 2000 йилда мос равишда 11,0 ва 3,6 баробарни ташкил этди.

### **Назорат саволлари:**

1.1. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси белгиловчи мезонлари нималардан иборат?

1.2. Инқирозга қарши қабул қилинган давлат Дастурининг ижросининг натижаси нималардан иборат?

**2 - савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устивор йўналишлари тўғрисида маълумот билан таништириш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Устивор йўналишнинг моҳиятини тушунтира олади.

2.2. Иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги устивор йўналишларнинг шарҳлаб беради.

**2- савол баёни:** 2012 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Солик юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солик юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солик тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилга нисбатан уларнинг ўсиш

суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиги ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши, айниқса, эътиборлидир.

Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012 — 2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий 2012 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси, Дехқонобод калийли ўғитлар ва Кўнғирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади.

Шунингдек, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ курилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобиль шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараённи такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда ушбу Жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

Биринчидан. Манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, компания ва корхоналар иштирокида саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан. Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган маҳсус қарор қабул қилиш керак.

Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Учинчидан. Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташки бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур.

Тўртинчидан. Мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Хукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала, бу — хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012 — 2016 йилларга мўлжалланган дастур лойихасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор.

2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва мухандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Барчамиз, аввало, вилоят ва худудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда, йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча худудларини ишончли равища боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиши таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистралি таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита иирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр қўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўлларни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошлаганидан бўён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Фақат 2011 йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмлиқдан ортиқ инвестициялар йўналтирилди, уларнинг 63 фоиздан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва “Қишлоқ қурилиш банк” маблағлари ташкил этади.

Жорий йилда умумий туаржой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпdir.

Шу билан бирга, давлат маблағлари, такрор айтаман — бюджет маблағлари ҳисобидан туаржой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Ижтимоий инфратузилма обьектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис обьекти фойдаланишга топширилади.

Ушбу мақсадларда йил давомида қарийб 810 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Умуман айтганда, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу Дастурнинг амалга оширилишида Осиё тараққиёт банки фаол иштирок этмоқда. Мазкур банк қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига 500 миллион доллар миқдорида, жумладан, 2012 йилда 160 миллион доллар инвестиция киритишни режалаштирилмоқда.

967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шаклларини, шунингдек, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда қарийб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

### **Назорат саволлари:**

2.1. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг устивор йўналишлари нималардан иборат?

2.2. Инқирозга қарши қабул қилинган давлат Дастурининг ижросини изчил давом эттириш асосий устивор йўналиш сифатида ўз ичига нималарни олади?

**Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:**

1. Иқтисодиётда бўлаётган таркибий ўзгаришларга изоҳ беринг.
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги устивор йўналишларни тушунтиринг.

**Мавзу бўйича асосий хуносалар:**

1. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада кулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюроқратик тўсик ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.
2. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.
3. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, хукуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб бериш керак.

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартарф этиш йўллари ва чоралари”. -Ўзбекистон, 2008 й
2. 2012 Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлди. Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2012 йил 19 январ.
3. Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Т. Ўзбекистон. 2002 й.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2004 й.
5. www. ziyonet. uz

**11-мавзу: Соғлиқни сақлаш тизими ва уни ислоҳ қилиш**

**Фанни ўқитиши технологияси:**

**«Соғлиқни сақлаш тизими ва уни ислоҳ қилиш» фанининг мазмунни ва вазифаси мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

т/р, босқич	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
	<p><b>Тайёрлов босқичи</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларда соғлиқни сақлашни ташкил этиш зарурияти ва моҳияти тўғрисида тушунчалар хосил қилиш.</p> <p><b>1.2. Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p><b>1.2.1.</b> Соғлиқни сақлаш муассасаларининг таъминотинм тушунтира олади.</p> <p><b>1.2.2.</b> Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини ёритиб</p>	

1	<p>бера олади.</p> <p><b>1.2.3.</b> Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил этиш муаммоларини еча олади.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b> соғлиқни сақлаш тизими, соғлиқни сақлашни молиялаштириш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, она ва бола саломатлиги, пуллик тиббий хизматлар, тиббий ёрдам марказлари</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, бахс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> тарқатма материаллар, китоб билан ишлаш, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	<b>Ўқитувчи</b>
2	<p><b>Ўқув машғулотларини ташкил этиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	<b>Ўқитувчи 20 минут</b>
3	<p><b>Гурухда ишлаш:</b></p> <p><b>3.1.</b> Соғлиқни сақлаш тизимининг моҳиятини очади.</p> <p><b>3.2.</b> Соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштиришни ёритади.</p> <p><b>3.3.</b> Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил этишдаги муаммоларни очади.</p>	<b>Ўқитувчи –талаба 40-минут</b>
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Қишлоқларда соғлиқни сақлаш қандай ташкил этилган?</p> <p><b>4.2.</b> Қишлоқ врачлик пунктлари деганда нимани туўunasиз?</p> <p><b>4.3.</b> Умумий врачлик амалиётининг қишлоқлардаги аҳамиятини нимада?</p>	<b>Ўқитувчи 10 минут</b>
5	<p><b>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласида ва тегишли ўзгаришилар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи 10 минут</b>

### Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш муаммолари
2. Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** соғлиқни сақлаш тизими, соғлиқни сақлашни молиялаштириш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, она ва бола саломатлиги, пуллик тиббий хизматлар, тиббий ёрдам марказлари.

### Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш тизимининг аҳамиятини ёритиш.
2. Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш истиқболларини кўрсатиш.

**1 - савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларда соғлиқни сақлаш муассаларининг таъминоти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1. Соғлиқни сақлаш муассаларининг таъминотини ёрита олади.
2. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг истиқболларини ёрита олади.

**1-савол баёни:** 2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришиларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат

жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга кўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга эришишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоизга кўпдир.

**2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилди.**

Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.

#### **Назорат саволлари:**

1.1. 2010 йил якупнлари бўйича соғлиқни сақлаш тизимида нималарга эришилди?

**2 – савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг истиқболлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Соғлиқни сақлаш муассаларининг устивор йўналишларини ёрита олади.

2.2. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболларини ёрита олади.

**2- савол баёни:** 2011 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази, Республика жарроҳлик маркази ҳузуридаги кардиохирургия бўлими, Гематология ва қон қўйиш институтининг янги бўлими каби йирик соғлиқни сақлаш объектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбобускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Нукус, Андижон, Гулистон ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли вилоят болалар марказлари, Қарши, Наманган ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли тиббиёт марказларини, жами 6 минг 400 ўринга мўлжалланган 51 та стационар муассаса, бир кунда 6 минг кишини қабул қила оладиган 23 та поликлиникани қуриш ва реконструкция қилишни якунига етказиш кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари илан биргаликда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, уларни ўз вақтида ўзлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифати устидан қатъий назоратни таъминлаши зарур.

#### **Назорат саволлари:**

Соғлиқни сақлаш тизимидағи устивор йўналишлар нималардан иборат?

#### **Мавзуға оид мустақил иш топшириқлари:**

1. Салимов Б.Т., Ўроқов Ннинг Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ўқув қўлланмасининг 9 бобини ўқиб, таҳлил қилинг.

#### **Мавзу бўйича асосий хulosалар:**

Жаҳонда ўтказилаётган тадқиқотлар шундан далолат берадики, миллатнинг соғломлиги соғлиқни сақлашга қилинаётган харажатлар миқдорига бевосита боғлиқ бўлмаса-да, соғлиқни сақлаш соҳаси ўзининг асосий вазифасини бажариш учун соҳага сарфланадиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6-10 %ни ташкил этиши лозимлиги умумий равишда қабул қилинган. Кўплаб ривожланган мамлакатларда bemорларнинг даволаниши учун қилинадиган сарфлар ҳиссаси умумий харажатлар миқдорининг 10-30 %и чегарасида тебраниб туради.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССГ) мутахассисларининг фикрича, молиялаштиришнинг асосий манбалари ўртасидаги нисбатда қуйидагича ҳолат афзал деб ҳисобланади: давлат бюджети-60, тиббий суғурта-30, пулли хизматлар-10%.

#### **Мавзуға оид адабиётлар:**

- Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартарф этиш йўллари ва чоралари”. -Ўзбекистон, 2008 й
- Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.

3. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Ўзбекистон, 2000.
4. Салимов Б.Т., Ўроқов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004.

## **12–мавзу: Давлат халқаро хўжалик муносаблари ташкилотчиси ва ташқи иқтисодий фаолият**

### **Фанни ўқитиши технологияси:**

**“Давлат халқаро хўжалик муносаблари ташкилотчиси ва ташқи иқтисодий фаолият” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул, вакт
1	<p><b>Машғулотга тайёргарлик босқичи:</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларда Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви түғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.</p> <p><b>1.2. Идентив мақсадлар:</b></p> <p><b>1.2.1.</b> Ташқи савдо алоқаларининг аҳамиятини очиб беради олади.</p> <p><b>1.2.2.</b> Ташқи савдо обороти ва унинг аҳамиятини тушунтира олади.</p> <p><b>1.2.3.</b> Ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳиятини ўргана олади.</p> <p><b>1.2.4.</b> Экспорт ва импорт таркибини изоҳлаб беради олади.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунчалар:</b> ташқи савдо алоқалари, ташқи савдо обороти, иқтисодий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий алоқалар, экспорт-импорт операциялари, хорижий инвестициялар, ташқи иқтисодий алоқалар, экспорт, импорт, хорижий инвестициялар, дотация, халқаро ташкилотлар.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> тақдимот, мунозара, ақлий ҳужум, баҳс.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> видеопроектор, тарқатма материаллар, китоб билан ишлаш.</p>	Ўқитувчи, 10 минут
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу ва кўриб чиқиладиган саволлар тушунтирилади.</p> <p><b>2.2.</b> Тарқатма материаллар тарқатилади.</p> <p><b>2.3.</b> Ташқи иқтисодий алоқаларнинг зарурияти нимадан иборат— деб савол берилади?</p>	Ўқитувчи, 10 минут
3	<p><b>Гуруҳда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини тушунтиради.</p> <p><b>3.2.</b> Ташқи савдо айланмасининг ижобий ва салбий</p>	Ўқитувчи – талаба,

	колдиқларини ёритади. <b>3.3.</b> Экспорт ва импортга нисбатан квоталарни белгилаш тартибини айтади. <b>3.4.</b> Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozидан чиқиши йўлларини айтиб изоҳлади.	<b>50 минут</b>
<b>4</b>	<b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</b> <b>4.1.</b> Ташқи савдо айланмасининг қандай таркибий қисмлари мавжуд? <b>4.2.</b> Ўзбекистон қандай савдо иттифоқларига аъзо? <b>4.3.</b> Савдо тўсиқлари деганда нимани тушинасиз? <b>4.4.</b> Сизнинг фикрингизча Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасининг ижобий қолдиги қанча миқдорни ташкил этади?	<b>Ўқитувчи-талаба, 10 минут</b>
